

*«Бу ойнинг аввалги ўн куни раҳмат, ўртаси мағфират, охириги ўн куни дўзахдан нажот (паллалари)дир».*

Ҳадиси шариф

# РАМАЗОН ЎТДИ, ФАЙЗИ ҚОЛДИ

Алҳамдулиллаҳ, яқиндагина ажойиб бир ойни яшадик. Кимимиз у ойни онгли, кимимиз фитрий бир интиқлик билан йил давомида кутган эдик. Яқинлашгани сари бутун жамиятимиз ҳам қадамими у муборак ойнинг кутлуғ қадамига мослай бошлади. Кўчаларда одамлар бир-бирларидан кун сўраб турди, хонадонларда ҳар ўтиришда бу ҳақда гап бўлди, оталар рўзғорни бутлашга киришди, оналар пазандаликка шайланди, болалар тотли кунлар келаётганидан шодланди, янги келинлар сепларини кўз-кўзлашга ҳозирлади, маҳаллалар тозаланди, масжидлар...

Дарвоқе, бу ойнинг ташрифига энг мунтазир даргоҳ, албатта, масжидлардир. Чунки бу ойда масжидлар ўзгача тароватга чулғанади. Жамоатларга барака киради, беш маҳал намозлар ҳам янада файз билан адо этилади. Айниқса, кечалари... Кечалари жомеъларда таровеҳлар ўқилади, хатми Қуръонлар қилинади! Қуръоннинг ўзи ҳам Лавҳи Маҳфуздан бу дунё осмонига шу ойда, шу ойга яширилган энг қадрли бир кечада туширилган. Балки шунинг учундир, Қуръоннинг тушиш замони бу ойда гўё рамзий такрорланади, биз эса бу гўзал ҳолатнинг шоҳиди бўламиз.

Сезганлар сездилар: бу йилги Рамазон мамлакатимизга ҳар йилгидан бошқача шуқуҳ, бошқача шавкат билан кириб келди. Рўздорлар янада кўпайди, Жума на-

мозларида масжидлар тўлиб тошди, таровеҳ намозлари сурур билан ўқилди. Бу йил мамлакатимизнинг кўплаб масжидларида, пойтахтимиз Тошкентнинг эса,



барча жомеъларида Қуръон хатм қилинди. Мустақил диёримиз осмонида ой бўйи муттасил Аллоҳ каломлари янграб турди. Бири биридан ширали овозлар уни қулоқларимизга, қулоқларимиздан юракларимизга ёқимли қилиб етказишга ҳаракат қилди. Яна бир қувончли томони шундаки, бор-йўғи икки-уч йил бурун хатми Қуръонларга чет эллардан ҳофизлар чорланар эди, бу йил барча масжидларда ўзимизнинг қорилар ўқишди. Миллатимиз ва мамлакатимиз ўзининг қадим шон-шарафини қайтадан тиклай бошлади. Келгуси йилларда шояд бизнинг қориларимиз чет элларда ҳам хатми Қуръонлар қилишса! Бир ҳофиз укамизнинг сеҳрли

овози билан йўғрилган тиловатларни тинглаб туриб, беихтиёр уни Каъба қаршисига қўйиб кўрдим: мана, ўзбекистонлик ҳофиз Қуръон Масжидул Ҳарамда хатм қиляпти, маккалик араблар ва бутун дунёдан келган умрачилар йиғлаб тинглашяпти... Иншааллоҳ, шундай кунлар ҳам келади!

Ҳа, куни кеча шу муборак Рамазонни – гуноҳлардан покланиш, илоҳий оятлар билан файзланиш ойини яшаб ўтдик. Биз ундан ажрагимиз келмагани билан, вақт тўхтаб турмайди. Рамазони шариф ўтди, ҳайит намозлари ўқил-

ди, биз бу айрилиқнинг муваққат эканини ҳис қилган ҳолда, янаги шу кунларгача вақтинча алвидо айтдик:

«Алвидо, эй Рамазон ойи! Алфироқ, эй таровеҳлар, тасбеҳлар ва хатми Қуръонлар ойи! Алвидо...»

Рамазон ҳам мусулмон диёримизни Аллоҳнинг паноҳига қолдириб, кейинги йилгача биз билан маюс хайрлашди.

Нуруллоҳ  
МУҲАММАД РАУФХОН



## МУНДАРИЖА

<i>Муҳаррир сўзи</i> Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН Рамазон ўтди, файзи қолди .....	1
<i>Бугуннинг гапи</i> Абдураззоқ ЮНУС Конституциясиз амалда .....	6
<i>Насиҳат</i> Шарифахон ҚОСИМОВА Бахт нима ўзи? .....	6
<i>Амири маъруф</i> Миён Содиқ РАББОНИЙ Ҳалолга ҳисоб .....	7
<i>Мактуб</i> Абдуғани УМРЗОҚ ўгли Жамоат бўлиб ўқиймиз .....	8
<i>Амири маъруф</i> Муҳаммадамин АҲМЕДОВ Тақво ҳовлисининг эшиги .....	10
<i>Мерос</i> Садриддин АЙНИЙ Мир Араб иморатлари .....	12
<i>Наҳйи мункар</i> Атишер ПЎЛАТОВ Ичкилик имон гавҳарини емирад .....	13
<i>Имомларимиз</i> Ғуломқодир МИРЗАЁҚУБ ўгли Биртмас-туганмас хазина .....	16
<i>Ибратли ривоят</i> Имом Ғаззолийнинг вафоти .....	19
<i>Шеърят</i> Ҳамроқул АСҚАР Аллоҳ зикридалик ҳар лаҳза дилим .....	20
Отахон Сафар БОҚОНИЙ Тарбияси яхши бўлса .....	21
Умида АБДУЗИМОВА Ота юртим .....	21
<i>Мовароуннаҳр уламолари</i> Толибжон НИЗОМОВ Алоуддин Абу Бкр ал-Қосоний .....	22
<i>Ибратли ривоятлар</i> Расулulloҳнинг (с.а.в.) олтин ҳадяси .....	23
<i>Убудийят</i> Буюк уч калом .....	26
Сўранг, жавоб берамиз .....	27
<i>Адабиёт</i> Убайдулла СОДИҚ Завқ .....	28
<i>Тафаккур</i> Тоҳир МАЛИК Шудринг томчилари .....	30

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида  
оят ва ҳадислар берилаётгани  
учун уни ножоиз жойларга  
ташламаслигингни сўраймиз

## Ибрат

4



## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ (с.а.в.) БАҒРИКЕНГЛИКЛАРИ

## Табрик

8

Мўътабар ҲАЙДАРОВА:

### ИЛК УСТОЗИМ ОНАМ БЎЛГАНЛАР

Дастлаб мусобақага эллик учта давлатдан вакиллар қатнашиши мени ташвишга солди. Нега десангиз, бундай катта мусобақада биринчи марта иштирок этаётган эдим.

## Мусулмон одоби

11

Муҳаммад СИДДИҚ

### ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Аъзолари шаклланмасдан олдин тушган ҳомиладан сўнг келган қон ни-фос бўлмайди. У ҳайз ё истиҳоза ҳисобланади.

Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар

14

## ИСЛОМДА ЎЗ ЎРНИ БОР

Омир ибн Шураҳбил Шаъбий



«Эвоҳ, бизни мақташда ҳаддан ошманг. Фақиҳ Аллоҳ ҳаром этган нарсадан тақво қилади, олим эса Аллоҳдан кўрқади. Биз бу сифатларга лойиқ эмасмиз»

Ислom ва олам

18

Қоҳирада  
Қуръон байрами

Бутун Ислom дунёси муқаддас Қуръон ҳукмларини ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ, чуқурроқ ўрганиши, риоя этиши керак. Кишилиқ жамияти учун бунинг аҳамияти бебаҳодир.



Устозларимиз

АДУЛАЗИЗ ҚОРИ ота

24

ДАРС БИТТА,  
ТАКРОРИ МИНГТА БЎЛСИН

Ўша йиллари мударрислар тез-тез айтиб турадиган бир ҳикмат бор эди: «Дарс битта, такрори мингта». Рўзи қори домла ҳам биз шогирдлардан шу қоидага риоя этишимизни талаб қилардилар.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Фозил қори СОБИР  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Сирожидин АҲМАД  
Абдуқаюм ҲИКМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулжалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли  
тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Мунира МАСЪУДАЛИ қизи

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот маркаллари:  
Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28  
Директори Салоҳиддин Нуриддин  
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04  
Директори Ўқтам ҳожи Умурзоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-берккўча, 47а-уй, Тел: 40-17-97.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот  
қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2001 й. 24 декабрда руҳсат берилди. Босмахонага 2001 йил 26 декабрда топширилди. Қўроз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 4800 нусха. 226-сон буюртма. «KOH1 NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.  
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Макет асл нусхаси Pentium-III  
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайдди, тақрир қилинмайдди. Мақолалар хат орқали юборилганда исми шариқлар тулик ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.



## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ (с.а.в.) БАҒРИКЕНГЛИКЛАРИ

Ислом динимизнинг пойдевори бўлган тавҳид Аллоҳнинг бирлигини тасдиқлашдир. Ҳолбуки, Ислом дини келиши арафасида инсоният ширк ва заллат ботқоғига ботган, Макка бутпарастлик марказига айланиб қолган эди. Аллоҳ таоло ушбу жаҳлатга қарши ислоҳчи ўлароқ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни танлаб, ваҳий нозил этди. Аммо илк ваҳий юрти — Макка аҳолиси тавҳид чақириғини қабул қилмай, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп азиятлар етказди. Натижада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам она юртлири Маккадан Ясрибга ҳижрат қилдилар. (Шу пайтдан Ясриб «Мадинатуннабий» — «Пайғамбар шаҳри» номи билан таърифлана бошлади.) У ерда ҳам инсонларни Аллоҳ таолонинг ҳақ дини Исломга даъват этишдан тўхтамадилар. Бора-бора халқ Ислом дини дастурлари билан яхшироқ танишганидан сўнг Макка ширкдан халос бўлди, Каъбани бутлардан тозалаш вақти етиб келди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг ўн саккизинчи йили Рамазон ойида ўн минг кишилик

қўшин билан Мадинадан Маккага қараб йўлга чиқдилар.

Шаҳардан тахминан ўн олти чақирим беридаги «Марруз-Заҳрон» деган жойда қароргоҳ қурилди. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қоронғу тушгач, ҳаммага машъала ёқишни буюрдилар. Бу билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маккаликларга қўшин ҳайбатини кўрсатмоқчи эдилар. Ҳақиқатдан ҳам бу ҳолат Макка аҳлини талвасага солиб қўйди ва вазиятни ўрганиш учун Абу Суфённи юборишди.

Макка раиси Абу Суфён Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди, узоқ та-

раддудланди, сўнг Исломни қабул қилди.

Ислом қўшинлари секин-аста ҳар тарафдан шаҳарга кира бошлади. Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажбур бўлинмагунча қон тўкишни манъ қилдилар. Ўзлари ниҳоятда тавозуъ билан, туяларининг бўйнига ёпишган ҳолда тасбеҳ, таҳлил ва дуолар айтиб, Аллоҳга шукр қилган ҳолда Маккага кириб бордилар. Макканинг ҳар тарафига бир қур назар ташладилар. Ўзларига нисбатан бениҳоя шафқатсиз муомалалар қилган Макка аҳли энди у зотга таслим эди.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввал Каъбани тавоф қилдилар. Бутун Макка халқи тўпланган, атроф инсонлар билан тўла эди. Шунда Аллоҳ Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам машҳур фатҳ хутбасини ўқидилар:

**«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, фақат ёлғиз Ўзигина мавжуддир. Унинг тенги ва шериги йўқдир. У ваъдасига вафо қилиб, берган сўзини бажарди. Бандаларига ёрдам этиб, ёлғиз Ўзи барча душманларини тор-мор қилди. Шунини яхши билинларки, бугун жоҳилият одатлари, мол ва қон даъволари ҳаммаси шу икки оёғимнинг остидадир (яъни,**

бекордир). **Фақатгина Каъба хизматлари ила ҳожиларга сув тарқатиш вазифаси бундан мустасно.**

**Эй Қурайш халқи! Аллоҳ сизларга жоҳилият гурурини тарк этишни, оталари ва насаби ила кибранмасликни буюрди. Барча инсонлар Одам алайҳиссаломдан тарқалган, у зот эса тупроқдан яратилгандир».**

Сўнгра ушбу ояти каримани ўқидилар:

**«Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-турли) халқлар, қабилла-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир»** (*Ҳужурот, 13-оят мазмуни*).

Кўриб турганимиздек, Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу маърузаларида бугун ҳам инсоният ҳаддан зиёд муҳтож бўлган юксак инсоний фазилатларни, ижтимоий бирдамлик ғояларини эълон қилдилар. Ҳеч қайси миллатнинг бошқа миллатдан устун тарафи йўқ. Ирқ, ранг, тил, насаб қандай бўлишидан қатъи назар, ҳамма инсонлар баробардир. Инсоният амалларига кўра шараф ва фазилатда фарқланиши мумкин, холос. Ҳамма меҳнат, шижоат туфайли юксалади, яхши ишлари билан обрў-эътибор топади. Инсонларнинг энг хайрлиси, инсониятга (жамиятга) энг фойдали кишидир.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу тарихий маърузадан сўнг тўпланганларга такрор бир назар ташладилар. Уларнинг орасида Қурайш пешволари мағрур бошларини эгиб, жим турар эди. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга не-не зулм-машаққатлар қилишмади?! Муборак зотга кўл кўтаришди, ҳақорат этишди, ҳатто ўлдирмоқчи ҳам бўлишди.

Макка аҳлидан сўрадилар:

**«Эй Қурайш! Мендан нима умид қиляпсизлар? Сизларга қандай муомалада бўлишимни кутяпсизлар?»**

Маккаликлар бир овоздан: «Сиздан яхшилик умидидамиз. Сиз саховатли дўст ва олижаноб бир биродаримизнинг фарзандисиз», деб жавоб беришди.

Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсониятнинг энг буюк муршиди, тарихдаги энг марҳаматли инсон сифатида эски душманларига шундай дедилар:

«Мен ҳам Юсуф алайҳиссалом ўз иниларига айтганларидек: **«Бу кун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир»**, (*Юсуф, 92-оят мазмуни*), дейман» дедилар. Энди тарқалинглари, ҳаммангиз озод ва хурсизлар».

Бу жумлалар тарихга олтин ҳарфлар билан битилди ва инсоният бу олижанобликни теран англамоғи лозим. Кучли ва ғолиб пайтда афв этиш ҳар қандай одамнинг қўлидан келавермайди. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қурайш таслим бўлгач, асло кин ва адоватга берилмадилар.

Бундай муомала Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сабр-тоқатли ва бағрикенгликларидандир.

Исломининг энг эски душманларидан бири бўлган Сафвон ибн Умаййа Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб шундай деди: «Мени афв этибсиз, деб эшитдим». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, тўғри!» дедилар. Сафвон: «Лекин мен дарҳол Исломни қабул қилишни хоҳламайман. Ўйлаб кўришим учун менга икки ой муҳлат беринг», деди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сенга тўрт ой муҳлат бераман», дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада бирор аскар қолдирмасдан, эндигина Исломни қабул қилган маккаликни ушбу муборак шаҳарга раисликка тайинлаб, Мадинага қайтдилар. Бу ҳодисаларнинг барчаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг инсонларга бўлган муҳаббатларини ҳамда бағрикенгликларини кўрсатади.

Бугун ҳам инсоният учун миллатлар ва жамиятлар орасида тинчлик, осойишталик ўрнатишда севгили пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби кечиримли ва бағрикенг бўлиш ниҳоятда муҳимдир.

Фатҳиддин МАНСУР

тайёрлади.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раисининг уринбосари

## КОНСТИТУТСИЯМИЗ АМАЛДА

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясида дин ва виждон эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз маънавиятига хос бўлган имон-этикод, адлу инсоф, ди-



ёнат, ҳақиқат, олижаноблик, мардлик, меҳроқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатларнинг қадрланиши жуда муҳимдир.

Дин давлатдан ажратилган бўлса-да, диний ташкилотлар, бирлашмалар Қонун олдида тенгдирлар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар рўй берди. Ислоҳ динига ва диндорларга муносабат ўзгарди. Масжид ва мадрасалар очилди. Қатор тарихий обидалар мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилди. Улкан илмий асарлари билан динимиз равнақиға бебаҳо ҳисса кўшган алломаларимизнинг мерослари ҳартомонлама ўрганила бошланди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний ва Имом Мотуридийларнинг руҳлари шод, табаррук қадамжолари обод этилди, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Давлатимиз раҳбарияти мусулмонларнинг ибодатларни камоли ҳурмат билан адо этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожилар учун катта қулайликлар яратилиши, ҳайит кунларининг дам олиш куни этиб белгиланиши катта гамхўрлик намунасиدير.

Ислоҳ динида Ватанган муҳаббат, эл-юртга садоқат жуда улуғланади. Муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек: «*Шу азиз Ватан барчамизники*».

Бинобарин, ҳар бир инсон Ватан олдидаги фуқаролик бурчини яхши англамоғи, элим деб, юртим деб ёниб яшамоғи, шу давлат, жамият менга нима берди, деб эмас, балки мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим, деган шиор билан ҳақарат қилмоғи зарур.

Аллоҳ таоло бутун дунё халқларига тинчлик, хонадонларимизга файзу баракот, сиҳат-саломатлик ва офият ато қилсин.

### Насихат

## БАХТ НИМА ЎЗИ?

Ҳар ким билим ва тафаккур қобилиятига кўра бахт тушунчасини турлича англайди. Кимлардир яхши турмуш ўртоғи бўлса, тирикчилиги яхши ўтса, шуни бахт дейди. Яна бошқалар учун фарзандлар кўп бўлсаю бой-бадавлат яшашса, шу катта бахт ҳисобланади.

Аммо ҳақиқий бахт нима ўзи? Биз оналар фарзандларимизни диний, дунёвий илмлардан бохабар қилиб, қалбини гўзал ахлоқ, юксак фазилатлар билан безашимиз баркамол бахт эмасми? Ана шундагина юртимизда яна Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Нодирабегим каби буюк шахсиятлар камолга етиши мумкин.

Ҳозир-чи? Ҳозир биз келажагимизнинг моддий асосини қанча кўп ўйласак, унинг маънавий пойдевори ҳақида ҳам шунча кўп қайғури-



шимиз керак. Айниқса, фарзандлар тарбияси масаласида.

Аслида, азиз дугонажонлар, кетаётган ҳар он, ҳар дақиқадан фарзандларимизнинг илм ва адаб савиясини юксалтириш учун унумли фойдаланишимиз зарур эмасми!?

Шарифахон ҚОСИМОВА

Миён Содиқ РАББОНИЙ

# ҲАЛОЛГА ҲИСОБ

Ҳалолга ҳисоб, ҳаромга азоб, дейди халқимиз.

Бу дегани ҳалол йўл билан топилган мол-дунё Аллоҳнинг ризолигига биноан сарфландими ёки беҳудага сарф этилиб, исрофга йўл қўйилдими — шуни доимо ёдда сақлаб, қиёмат куни бўладиган ҳисобкитобни эслатишдир. Ҳалол-ҳаромни ажрата билиш ва унга риоя этиш исломиятнинг тамал талабларидан биридир.

Тақво динни тутиб турувчи устун саналади. Бу устуннинг гишталари илм воситасида қўлга киритиладиган амалдан таркиб топади. Шу боис уламои киромлар, илмсиз тақво бўлмас, дейдилар. Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: «**Имоннинг дастмо-яси тақво ва Аллоҳнинг тақдирига рози бўлишликдир.**»

Ҳар бир мўмин-мусулмон ё билак, ё ақл кучи билан ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшаш ва ҳалол ошашга буюрилган. Ҳадиси-шарифда тушунтирилишича: «**Ибодат ўн ҳисса, тўққизи ҳалол ризқ излашдир.**» Бу ибодатнинг хосияти шу қадар зўрки, мабодо мўмин

киши ҳалол ризқ излаш асносида бирон фалокатга учраб, оламдан ўтса, шаҳид мақомида кетади.



Энди «ҳаромдан ҳазар» масаласига келсак, Аллоҳга ва Унинг ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирган мўмин ҳамиша хавфу ражда — Ҳақ таолонинг ғазабидан

қўрқишу раҳматидан умидворликда яшайди, ана шундай одамнинг ҳаромдан ҳазари том маънода ҳақиқий бўлади.

Рисоладаги мўмин-мусулмоннинг жисмиятидан руҳияти ҳамиша устун бўлади. Бадан маишату айшу ишрат кетидан қувиб, қанчалар кўп семирса, руҳ шунчалар ориқлайди. Руҳониятсиз, маънавиятсиз кимсанинг инсоний сифати ўлади, у шунчайин жондор тарзида кун кўришда давом этади. Маънавиятдан, унинг жавҳари бўлмиш Имондан маҳрум кимсада одамийлик, андишаю ҳаё, виждону ор-номус, адолату инсоф, меҳр-оқибату раҳм-шафқат, марҳамату мурувват сингари фазилатлар йўқолади. Бундай кимса ҳаммага ташвиш келтиради. Аллоҳ томонидан ёлғиз инсон зотиғагина берилган ақлу забондан тубан, ғаразли мақсадлар йўлида истифода этади. Шoir айтганидек:

*Зоти Инсон нуришараф*

*Имон билан,*

*Йўқса Имон, тенгдур у*

*ҳайвон билан.*

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ушбу ҳадислари ҳамиша долзарб жаранглайверади: «**Яхшилик эскирмайди, гуноҳлар уни-тилмайди, жазоловчи Аллоҳ эса ўлмайди. Хоҳлаган ишни қил, диёнатинг қандай бўлса, жазонг ҳам шундай бўлади.**»

Х

ДУО



Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй бутун санъатлар санъаткори!
2. Эй бутун махлуқотларнинг ярат-гувчиси!
3. Эй бутун ризқланувчиларнинг ризқ бергувчиси!
4. Эй бутун эгалиларнинг эгаси!
5. Эй бутун сиқинтига тушганларнинг фараҳлантиргувчиси!
6. Эй бутун ғамга тушганларнинг севинтиргувчиси!

7. Эй бутун марҳаматга лойиқлар-нинг марҳамат этгувчиси!

8. Эй бутун ёрдамсиз қолганларнинг ёрдамчиси!

9. Эй бутун айблларнинг айбини яширгувчи!

10. Эй бутун зулмга учраганларнинг паноҳкори!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

Мўътабар ҲАЙДАРОВА:

## ИЛК УСТОЗИМ ОНАМ БЎЛГАНЛАР

*1980 йил Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. 1994-1998 йиллар Хадичаи Кубро номидаги аёл-қизлар мадрасасида таҳсил олган. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институтининг 3-босқич талабаси. Айни чоқда «Хадичаи Кубро»да мударриса бўлиб ҳам ишлайди.*

*– Мўътабар, таҳририятимизга хуш келибсиз. Сизни Малайзиянинг КуалаЛумпур шаҳрида бўлиб ўтган «Қуръон тиловати» 43-Халқаро*

*бўйича кўмита ҳузурида бўлган кўриклар масъулиятимизни янада оширди. Тайёргарлик асосан Қуръонни ёд олиш, тажвид қоидалари билан гўзал сувратда ўқий билиш ва Ислам тарихи ва бошқа қатор йўналишларни қамраб олар эди.*

*Ниҳоят, биз кутган вақт келди. Имтиҳонларда энг юқори натижага эришдим.*

*қориялар мусобақасида тўртинчи ўринни эгаллаганингиз билан табриклаймиз. Келинг, аввало, мусобақага қандай тайёргарлик кўргангиз ҳақида сўзлашсак. Иштирокчилардан нималар талаб қилинар эди?*

*– Биласизми, аввало, бир нарсани айтиб ўтишим керак. Яъни, дастлаб мусобақага эллик учта давлатдан вакиллар қатнашиши мени ташвишга солди. Нега десангиз, бундай катта мусобақада биринчи марта иштирок этаётган эдим. Бу ҳолат мени анча ўйлантирди. Масъулият билан жиддий тайёргарлик кўрдим. Президент девони, Дин ишлари*

*Тўғриси, бу мусобақага боришим, тўртинчи ўринни олиб қайтишим етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Аллоҳнинг марҳаматидан ҳали-ҳануз ўзимга келолмайман.*

*– Сизнинг ва бошқа тенгдошларимизнинг катта ютуқларга эришиб, хорижий давлатларда Ўзбекистон шарафини улуғлаши халқимизни қувонтиради, албатта. Келинг, энди Малайзияда кечган мусобақа таассуротлари билан ўртоқлашсак.*

*– Юқорида айтганимдек, бу мусобақада жуда кўп давлатларнинг ҳар қайсидан бир қиз ва бир ўғил қорилар қатнашишди. Мен билан тошкентлик Баҳодир Соипов Ўзбекистон вакиллари бўлдик. Биласизми, ҳар дам зиммамда оғир юк – Ватан, миллат шаъни турганини ҳис қилганимда кўзимга ёш келаварди...*

*Бизни тайёрагоҳда Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси ходимлари кутиб олишди. Дастлаб Баҳодир Соиповнинг ниҳоятда кучли қорилар орасида еттинчи ўринни эгаллаши мени жуда қувонтирди. Сўнг менга навбат беришди.*

*Қуръон тиловат қилишда, асосан, тажвид, овоз, тараннум каби қоидаларга эътибор берилди. Шуларни ҳисобга олиб, биринчи ўрин малайзи-*



*ялик, иккинчи ўрин индонезиялик, учинчи ўрин эса брунейлик қорияларга насиб қилди.*

*Мусобақа адолатли ўтишлиги учун ҳайъат аъзолари*



дунёнинг турли бурчакларидан чақирилган эди. Жумладан, Қоҳиранинг Ал-Азҳар дорулфунини шайхи Муҳаммад Саййид Тантовий иштирок этиб, қориялар қироатини умумий ҳолатда яхши деб баҳоладилар.

– *Иштирокчи сифатида айтинг-чи, бундай мусобақада қатнашиш учун биз қай даражада тайёрмиз? Сизнингча, бу борада ҳал этилиши керак бўлган муаммолар борми?*



– Айни мени қийнаб юрган нарсани сўрадингиз. Биринчиликни олишимиз учун биз ҳали кўп тайёргарлик кўришимиз зарур экан. Республика миқёсида мусобақалар ўтказиб, иқтидорли ёшлар сараланиши, уларга катта эътибор кўрсатилиши керак. Ахир биз Мотуридий, Термизий, Марғиноний, Бухорий каби алломаларнинг авлодларимиз...

– *Ёшларимиз эришаётган ютуқларда мураб-*

*бий устозларнинг хизмати катта. Уларнинг бу борада чеккан заҳматлари учун ҳар қанча дуо қилсак ҳам кам. Устозларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.*

– Тўғри айтдингиз. Мен нима ўрганиб, нимага эришган бўлсам, барчаси устозларим туфайлидир. Илк устозим онам бўлганлар. Илк сабоқ... Илк қироат... Ўша дамларни ҳалиҳануз энтиқиш билан хотирлайман...

Тошкентга келиб,

«Қуръон қироати» мусобақасида биринчиликни қўлга киритган Мухлиса опа Эргашевадан сабоқ олдим. Чунки улар дилимда Қуръон тиловатига муҳаббат уйғотиб, қироат ва тажвид қоидаларини синчиклаб ўргатганлар. Эндиликда Тошкент Ислом институти мударрисларидан таълим олмоқдаман.

– *Сухбатингиз учун ташаккур.*

РАЙҲОНА

ёзиб олди.

## Жамоат бўлиб ўқиймиз

Ассалому алайкум, "Ҳидоят" журнали жонкуярлари!

Ушбу мактубни Андижон вилоятининг чекка қишлоғида яшовчи мухлисларингиздан бири йўлламоқда. Мақсад журнал ҳақида айрим мулоҳаза ва истакларимни айтиш.

Мустақиллик туфайли Исломга йўл очилганидан ҳамма қатори мен ҳам беҳад хурсанд бўлдим. «Ислом нури» газетаси ва «Мовароуннаҳр мусулмонлари» журналларини мунтазам ўқиб борар эдим. Уша вақтларда нашр этилган кўпгина китобларни ҳам сотиб олар эдим...

Ҳозир эса биз учун динимиз йўл-йўриқларида ҳабар топишнинг асосий йўли «Ҳидоят» журнали бўлиб қолди. Унга ҳар йили обуна бўлиб, тўплаб бораман. Мустақилликдан кейин қишлоқда битта жомеъ масжиди қуриб олдиқ. Ўша даргоҳда ҳам ибодат қиламиз, ҳам «Ҳидоят» журналидаги мақолаларни жамоат бўлиб ўқиб, Исломга доир билимларимизни оширамиз. Бу хатдан мурод ҳам қишлоғимиз намозхонлари номидан «Ҳидоят»нинг жонкуярларига миннатдорлигимизни билдиришдир. Чунки олис бир қишлоққа «Ҳидоят» журналининг келиб туриши биз учун катта мукофотдир.

Энди ўзим ҳақимда. Мен журналнинг ҳар сонини ҳар қандай ҳолатда топиб, бирорта манбани қолдирмай ўқийман. Кўплаб мақолалар менда катта таассурот қолдиради. Сўнгра ўқиганларимни бошқаларга ҳам сўзлаб бераман. Шундай мақолалардан Фозил Зоҳид домланинг «Ёлғизлик» деган мақоласидир.

Сизларга Аллоҳдан куч-қувват тилаб,

Абдуғани УМУРЗОҚ ўғли,  
Булоқбоши тумани





## ҲОВЛИСИНИНГ ЭШИГИ

исён қилмайдилар. Ҳайвонлар эса ақл нуридан маҳрум, нафсининг ўзи билан кифояланиб, ишлари ейиш, ичиш ва ухлашдан иборатдир. Демак, қайси бир инсон ўз ақлини ишлатмасдан нафси амморасига бўйсуниб, ер юзиде фасод қилса, ҳайвон ундан афзалройдир. Чунки ҳайвон, гарчи инсон каби мукаллаф бўлмасда, Аллоҳнинг зикрини қилади. Аллоҳ таоло қалби билан ҳақиқатни уқмайдиган, кўзи билан ҳақ йўлни кўрмайдиган ана шундай тоифага ишора қилиб дейди:

أُولَئِكَ كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ

Яъни: «Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмлиқда) чорвалардан ҳам баттардирлар» (*Аъроф*, 179).

Кимки нафсу ҳавога ғолиб келиб, ақл нури билан қалбини мусаффо қилса, у инсон фариштадан ҳам аълороқдир. Чунки инсон илм билан нафс-ҳавони енгади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Куръони каримда айтади: «Аллоҳнинг бандалари орасидаги олим-билимдонларгина кўрқурлар. Шакшубҳасиз Аллоҳ қудратли, мағфиратлидир» (*Фотир*, 28, мазмуни).

Куръони карим ва ҳадиси набавийда илмнинг фазилатига ва бошқа ибодатларга нисбатан улуғлигига жуда кўп далиллар бордир. Юқорида зикр қилинган оят ҳам шундан далолат. Аммо жаҳолат ва нодонликнинг кўпайиши эса халққа келган бир балодир. Сарвари коинот пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Албатта, илмнинг кўтарилиб, нодонликнинг келиши қиёмат аломатларидандир», деганлар.

Динга зарур бўладиган илмлар қатори, ҳаётини заруратлар тақозо қиладиган илм-фанларни ҳам ўрганишлик лозимдир. Бу илмларни чуқур эгаллашлик ҳам инсоннинг ҳидоятига сабаб бўлади. Қанчадан-қанча инсофли, етук фан олимларининг бу борлиқда бир нозим, тадбир қилиб турувчи Зотнинг — Аллоҳнинг борлигини тасдиқлашлари шу илмлар туфайли бўляпти. Бу икки тоифанинг — илмли билан жоҳилнинг орасидаги фарқни қуйидаги ояти карима ҳам билдиради: «Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» (*Зумар*, 9, мазмуни).

Ҳа, албатта тенг бўлмайди. Сув қатрасига қараган олим киши, илмсиз инсондан фарқли равишда, сув маълум моддаларнинг аралашуvidан юзага келишини, агар таркиби ўзгарса, сув ўрнига бошқа нарса ҳосил бўлишини биледи ва қорға назар солиб, унинг мураккаб тузилишида нозик ҳандасавий жараённинг гувоҳи бўлади ва илоҳий қудратга имон келтиради. Илмсиз инсон юқорида айтилган нарсаларга кўзи тушганида бир томчи сувдан, ёғаетган қордан ёки совуқ сабабли музлаган ёмғирдан ўзга нарсани кўрмайди. Инсон имон келтирганидан сўнг, охирадта нажот топишлик учун бу дунёдан кечмайди, балки иккисини ҳам қозонишга интилади. Аллоҳ таоло айтади:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ ثَوَابَ الدُّنْيَا فَعِنْدَ  
اللَّهِ ثَوَابٌ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ

Яъни: «Ким бу дунёнинг савобини истаса, билсинки, унга Аллоҳнинг ҳузурини ҳам бу дунёнинг, ҳам охираднинг савоби бордир» (*Нисо*, 134).

Инсон Аллоҳга бўлган имони, унга қилган ибодати ва У қайтарган нарсдан сақланиши билан ҳеч зиён кўрмайди, балки Раббига келтирган имони туфайли ҳидоятланиб, Холиққа ибодати сабабли маҳлуққа қуллик қилишдан озод бўлади ва ҳаром қилинган нарсдан ўзини асраши ила нафсининг тубан истак-хоҳишиларидан юксакликка кўтарилади.

Имонли киши Аллоҳ тарафидан неъмат келганида ҳам, мусибат билан синов қилинганида ҳам фойда кўрувчидир. Чунки у неъмат келганида шукр ила, мусибат пайтида чиройли сабр билан савоб қозонади. Зеро, оқибат тақводорларникидир. Тақво ҳовлисига эса, илм эшигидан кирилади.

Муҳаммадамин АҲМЕДОВ,  
Андижон шаҳридаги  
«Саййид Муҳйиддин Махдум»  
Испом ўрта-маҳсус  
билим юрти мударриси

# ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Чақалоқ туғилганидан сўнг аёлдан келадиган қон нифос дейилади. Нифоснинг ҳукми ҳам ҳайзнинг ҳукми кабидир. Ҳайз кўрган аёлга қандай амалларни қилиш мумкин бўлмаса, нифосдаги аёлга ҳам мумкин бўлмайди.

## Тўққизинчи сабоқ НИФОС ВА ИСТИҲОЗА

ди. Ораликдаги тозалик муддати ўн беш кундан кам бўлган ҳолда эса истиҳоза ҳисобланади.

*Истиҳоза қони доимий бурун қонашига ўхшаш доимий қон келиб туришидир. У рўза, намоз ва ватийни ман қилмайди. Чунки Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Таҳорат қилгин, гарчи бўйрага қон томиб турса ҳам, намоз ўқийвергин».*

Бурҳониддин Марғинович, «Ҳидоя», 112-бет

Нифоснинг энг кўп келиш муддати қирқ кеча-кундуздир. Унинг энг оз муддати белгиланмаган. Бир кундан сўнг ҳам тўхтаб қолиши ва аёл нифосдан тоза бўлиши мумкин.

Аъзолари шаклланиб қолган ҳомила ойига етмай тушиб қолса ҳам, ундан сўнг келган қон нифос бўлади. Аъзолари шаклланмасдан олдин тушган ҳомиладан сўнг келган қон нифос бўлмайди. У ҳайз ё истиҳоза ҳисобланади. Яъни, бу ҳолдаги қон билан олдинги ҳайз қони ўртасидаги тозалик муддати ўн беш кун ё ундан кўп бўлса, у ҳайз қони бўла-

ди. Аъзолари билинган ҳомиласи тушиб қолган аёлнинг тушиқдан олдин кўрган қони истиҳозадир. Уни ҳайз ҳисоблаб

*Умму Салама (р.а.) айтадилар: «Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга нифос муддати «қирқ кун» деб белгилаб бердилар. Агар қон қирқ кундан ўтиб кетса ва ушбу аёл илгари ҳам кўзи ёриган бўлса-ю, нифос кўришда маълум одати бўлса, ўша одатий кунларидаги қон келиши нифос бўлади, қолганлари эса истиҳоза бўлади».*

Бурҳониддин Марғинович, «Ҳидоя», 119-бет

намозларини ўқимаган бўлса, қолдирган намозларининг қазосини ўқиши зарур.

Қуйидагилар истиҳоза ҳисобланади:

– уч кеча-кундуздан кам келган қон;

– ҳайзнинг энг кўп муддатидан, яъни, ўн кеча-кундуздан ошган ҳайз қони;

– ҳомиладор кўрган қон;

– нифоснинг энг кўп муддатидан — қирқ кеча-кундан ошгани;

– бола кўришдан қолган катта ёшли аёлдан келган қон;

– ҳайз ва нифосда муайян одати бўлган аёлнинг одатидан ошиқ муддатда келган қон.

Истиҳоза қони кўрган аёл намоз ўқишни ва рўза тутишни тўхтатмайди, эри билан яқинлик қилиши ҳам мумкин. Зеро, истиҳоза қони бачадон-

дан чиқмайди. Истиҳоза қони кўрган аёл узрли кишилар қаторига кўшилади.

Муҳаммад СИДДИҚ

## ДУО



### XI

Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй сиқинтиларимга тайёрлигим!
2. Эй мусибатим онидан умидим!
3. Эй ёлғизлигим онидан биродарим!
4. Эй мусофирлигимда дўстим!
5. Эй неъматим онидан соҳибим!
6. Эй кадарли онимда фарахлантиргувчим!

7. Эй эҳтиёжим онидан менга ёрдамга шошгувчим!


8. Эй оғир дамда сиғинажагим Зот!

9. Эй кўрқув онимда ёрдамчим!

10. Эй паришон онимда йўл кўрсатгувчим!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!

# МИР АРАБ ИМОРАТЛАРИ



*Таниқли ёзувчи ва олим Садриддин Айний «Эсдаликлар»ида 1890 йили Бухородаги Мир Араб мадрасасига бориб таҳсил олганини ёзади. Адиб Мир Араб шахси, фаолияти хусусида ҳам ўқувчиларга маълумот бериш мақсадида «Мир Араб иморатлари» деган мақола битган. «Маориф ва ўқутувчи» журналининг 1927 йил 5-сонида босилган ўша мақолани «Ҳидоят» муштарийларига бир оз қисқартириб тақдим этмоқдамиз. Имлоси аслидагидек қолдирилди.*

Мир Араб иморатларини ёзишдан бурун унинг таржимаи ҳолидан қисқача маълумот бериш керак. Мир Арабнинг оти Мир Абдулла бўлуб, Яман вилоятига қарашлик Хузрамўт шаҳарида туғулгандир. 22 яшарлик чоғида ўз юрти Арабистондан Туркистон сари ҳижрат қилғон, мунда Самарқандда Хўжа Аҳрор ҳалқасига кирган, Хўжа Аҳрор ўлгандан кейин Сайрамга бориб ерлашгандир. Мир Арабнинг шайбонийлар даврида шўхрати чиқиб, ушбу хонадондан Бухорода 946-918 ҳижрийда ҳукм сурган Убайдуллоҳхондан кўб ҳимоят кўрган ва унинг давлати соясида кўб молу мулкка эга бўлгандир.

Мир Араб Сайрамда турган чоқларида Сайрам шаҳрининг бир тош (8 чақирим)лиқ узоқлигида икки кориз қаздирган. Бу коризлар суви билан кўб ер ва боғларни обод қилгандир. Ушбу коризларнинг суви шунча муҳим эканким, мунда туташ икки юз ишчи ишлар экан.

Ушбу коризларни сақлаш учун у ерда махсус бир кўрғон солдирғон ва бу кўрғоннинг ичида чуқур бир қудуқ қаздирган. Ушбу қудуқни қаздираёт-

\* Тазар — ариқ.

қонда ер сатҳидан эллик газ чуқур қазилғонда сув чиқғон, шундай ҳам бўлса, баҳри муҳит сатҳигача еткузаман, деб қазиш ишини давом қилдирғон...

«Шундай чуқур қудуқ қазиб сув оқишиш мумкинми?» деб таажжуб билан сўроғон бир кишига Мир Араб жавоби: «Агар қила оламан десанг, қадам кўйғилким, қила оласан ва агар қила олмайман десанг, бор, ўлтурким, қила олмассан» мазмунида бўлғон...

Мир Араб иморатларининг энг муҳими ва бу кунгача саломат қолғони Бухородаги Мир Араб мадрасасидир. Бу мадраса Бухоро минорасининг олдида Масжиди Калоннинг рўбарўсида бўлуб, кенг ва юксак саҳнаси, тўрт пештоғи, икки юксак гунбази бор. Гунбаз ва пештоқлари кошин билан ишлатилган, пештоқлар турлик ёзмалар билан безатилган экан, фақат сўнг замонларда пештоқларнинг кўпинчи кошини тушкан ва йўқолғондир.

Бу мадрасанинг истиқомат ўрунлари бир юз ўн тўрт хужрадан иборат бўлуб, якка равоқлари икки ошёналик, бурчаклари уч ошёналик ва гулдасталари тўрт ошёналиқдир.

Ривоятларга кўра, бу мадрасанинг тик курсиси жуда чуқур ер тагидан тоғ тошлари билан ишлатилган бўлуб, қор, ёмғир сувини қочириш учун остдан тош билан тазар\* ясалган ва бу тазар шаҳар кўрғонидан ташқари чиқарилиб, «темурзахкаш»га туташдирилган экан. Шунинг учун мунинг иморатидан 44 йил кейин бино қилинган Кўкалдош мадрасаси (Бухородаги)нинг кўб жойи икки-уч карра янгидан иморат қилинғони ҳолда, бу кунгача асослик бирон таъмирга муҳтож бўлмаган.

Ушбу мадрасанинг иморатига қачон ва қайси йилда киришилгани маълум бўлмаса ҳам, иморатнинг битишидан бурун 932-ҳижрий йилда Мир Арабнинг ўлгани маълумдир.

Мир Араб ўлгандан кейин унинг васияти бўйинча ўз куёви шайх Зикриё иморатни давом қилдириб, 942 ҳижрийда битказгандир.

Мадрасанинг тамомияти тарихи учун машҳур хушнавийлардан бухоролик котиб Мирали ушбу форсий китъани мадраса дарвозасига ёзғон:

*«Мир Араб фахрэ ажам онке кард  
Мадрасаз оли бун булажаб  
Булажаб он аст кэ тарих у  
Мадрасаз оли Мир Араб» (942).*

*Идора:*

*Мир Араб мадрасаси Бухоро инқилоби чоғида бир оз зарарланган ва отилғон тўплардан минорасининг баъзи бир ерлари ўпирилғондир. Шуни ислоҳ қилиш чорасини кўришимиз керак.*

*«Турон» илмий-универсал кутубхонаси ходими*

**Феруза НУРИДДИНОВА**  
*нашрга тайёрлади.*

# ИЧКИЛИК ИМОН ГАВҲАРИНИ ЕМИРАР

Қуръони карим ва ҳадиси набавийада инсоният ароқнинг зараридан бир неча аср муқаддам қатъиййан огоҳлантирилгандир. Бугунги тиббиёт ароқ ҳақида шундай дейди: «Спиртли ичимликлар одам танасининг барча ҳужайра, тўқималарига заҳарли таъсир кўрсатади ва энг аввало, сурункали гастрит, ошқозон яра касалликларини юзага келтиради».

Спиртли ичимлик ошқозондан қон томирларига тез сўрилади ва жигарга боради. Жигарда спиртнинг парчаланишидан сирка кислотаси ва бошқа заҳарли моддалар ҳосил бўлади. Улар жигар ҳужайраларини яллиғлантириб, сурункали сариқ касаллигига сабаб бўлади. Агар сурункали гепатит касаллигига чалинган одам спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттирса, жигар ҳужайраларининг маълум қисми заҳар таъсирида емирилади ва улар ўрнида бириктирувчи тўқима ҳосил бўлади. Бу ҳол тиббиётда «жигар сиррози» деб аталади. Бунда жигар ҳажми катталашиб, фаолияти мутлақо бузилади.



Бир нарсага ҳайрон қолади киши: тўй-маросимлар ароқсиз ўтмайди. Ҳатто ёш келин-куёвга Аллоҳдан бахту саодат тилаш ўрнига, кўплашиб қадаҳ кўтаришади.

Ҳаётда ичкиликнинг аянчли оқибатларини кўра туриб шундай қилишади. Аллоҳни ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни тан оламиз ва сева миз, лекин айтганларига амал қилмаймиз. Шайтоннинг душманлигини, спиртли ичимликлар ўта зарарли эканини ҳамма биледи, лекин яна ичаверади. Ҳаётини, охиратини вақтинчалик кайф-сафога алмашади.

Айтмоқчи бўлаётганим, ичиш билан имон гавҳаримизни йўқотиб қўймайлик. Ичувчи маст-аласт ҳолатда ётар экан, калимаи шаҳодатни айта олмайди. Ҳаётда бунинг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Шунинг учун имон гавҳаримизни ювиб юборгувчи, соғлиғимизга, моддий аҳволимизга путур етказгувчи, хуллас, дунёю охиратимизга чанг солгувчи офатдан ўзимизни асрайлик.

Алишер ПЎЛАТОВ

## ДУО


### XII


Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй ғайбларни билгувчи!
2. Эй гуноҳларни кечиргувчи!
3. Эй айбларни беркитгувчи!
4. Эй машаққатларни кўтаргувчи!
5. Эй қалбларни ўзгартиргувчи!
6. Эй қалбларни зийнатлагувчи!

7. Эй қалбларни нурлантиргувчи!
8. Эй қалбларнинг табиби!
9. Эй қалбларнинг севгилис!
10. Эй қалбларнинг дўсти!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!





«Шаъбий илми кучли ва ўта ҳалим  
инсон эди. Унинг Исломда ўз ўрни бор».  
Ҳасан Басрий

Умари Фаруқ розийаллоху анху халифалик даврининг олтинчи йили Куфада нимжон, озгин бир бола дунёга келди. Бу бола Ислом оламида Шаъбий номи ила донг таратган, ўз даврининг энг машҳур кишиси Омир ибн Шураҳбил Ҳимярий эди.

\*\*\*

Шаъбий Куфада туғилиб ўсиб-улғайган бўлса ҳам, қалби ҳар вақт Мадинаи Мунавварани кўмсар эди. Улуғ саҳобалар Куфани Аллоҳ йўлида жиҳодга отланиш марраси ёки муқим истиқомат жойи қилиб олишни қанчалик хоҳлаган бўлсалар, Шаъбий Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларига учраб, улардан таҳсил олиш учун Мадинага боришни шунчалик истар эди. Инчунин, Шаъбий беш юзга яқин саҳобаи киром билан кўришмоқ бахтига мушарраф бўлди.

\*\*\*

Шаъбий ёшлигида зийрак, зеҳни ўткир ва нозикфаҳм бола бўлган. Айниқса, унинг қувваи ҳофизаси кучли эди. Бу ҳақда шундай ривоят бор: «Мен бирон сўзни қоғозга ёзмас эдим. Кимдир менга ҳадис сўзласа, албатта эслаб қолардим. Такрор сўрашимга, такрор айтишларига ҳожат қолмас эди».

У тинимсиз изланди, ўқиди. Бу йўлда ҳар қандай қийинчиликка бардош берди.

«Агар бир киши Шомнинг бу чеккасидан Яманнинг у четига бориб, ўзининг келгуси ҳаёти учун фойда берадиган битта сўзни ёд олган бўлса, демак, унинг сафари зое кетмабди», дейди Шаъбий.

Куфа жомеъида Шаъбийнинг илм ҳалқаси бор эди. Гарчанд Расулulloҳнинг (с.а.в.) саҳобалари эртаю кеч одамлар орасида юришса ҳам, улардан қайсидир масалани сўраб олишга имкон бўлса ҳам, шулар қатори одамлар Шаъбийнинг атрофига ҳам тўпланарди.

## ИСЛОМДА ЎЗ ЎРНИ БОР

Омир ибн Шураҳбил Шаъбий ҳақида

Шаъбийнинг ўзи шундай бир воқеани ривоят қилади:

«Менинг ҳузуримга бири Бани Омир, иккинчиси Бани Асад қавмидан бўлган икки киши гурур талашиб келишди. Омирий асадийни гўё енгиб, кўйлагидан мен томон тортарди.

Асадий ноилож қолганидан:

– Қўйвор, қўлингни торт, – дерди.

Омирий эса:

– Аллоҳга қасамки, Шаъбий менинг фойдамга ҳукм чиқармагунича сени қўйиб юбормайман, – дер эди.

Мен омирийга уни қўйиб юборишини, ораларини ажрим қилиб беришимни айтдим.

– Нега бу даражада хор-ночор кўринадан? – дедим асадийга. – Ваҳоланки, сенинг қавмингда бошқа бирон араб қавмига насиб этмаган олти фахрланадиган нарса бор. *Биринчидан*, сенинг қавминдан бўлган бир аёлга Расулulloҳ (с.а.в.) уйланганлар. У аёлни Пайғамбаримизга (с.а.в.) Аллоҳнинг ўзи муносиб кўрган. Орада Жаброил (а.с.) турган. Мўминлар онаси Зайнаб бинти Жаҳш шу аёлдир. Зотан, бу сенинг қавминг учун бағоят юксак мартаба ҳисобланади. *Иккинчидан*, сенинг қавмингда Уқоша ибн Миҳсан исмли, жаннатийлиги аниқ бўлган бир киши бор. (Бу саҳобий ҳамма ғазотларда қатнашган, Ридда ғазотида шаҳид бўлган.) *Учинчидан*, Ислом юришида энг биринчи байроқни Расулulloҳнинг (с.а.в.) аммаларининг ўғли Аб-

дуллоҳ ибн Жаҳш кўтарган эди. Бу зот ҳам сенинг қавмингдандир. *Тўртинчидан*, энг биринчи бўлиб Исломда ўша Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг ўлжалари тақсим этилган. *Бешинчидан*, ризвон байъатида ҳам биринчи бўлиб қабиладошинг Абу Синон ибн Ваҳб Расулуллоҳга (с.а.в.) байъат берган. «Эй Расулуллоҳ, кўлингизни беринг, сизга байъат бераман», деган у. «Нима нарсага байъат берасан?» деганлар Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Сизнинг қалбингиздаги нарсага» «У нимадир?» «Фатҳ ёки шаҳидлик».

Расулуллоҳ (с.а.в.) рози бўлганлар. Абу Синоннинг бу шижоатида бошқалар ҳам қўшилган. *Олтинчидан*, Бани Асад қавми Бадр кунида муҳожирларнинг еттидан бирини ташкил этган.

Бу гапларни эшитган омирий гангиб қолди».

Ҳеч шубҳа йўқки, Шаъбийнинг мақсади мазлумга ёрдам бериш эди. Ҳойнаҳой шу ўринда омирийнинг ўзи асадий ҳолатига тушиб қолса, унинг кўнглини кўтариш учун Омир қавмининг фазилатлари хусусида янгидан-янги далил-воқеаларни айтиши аниқ эди, албатта.

\* \* \*

Халифа Абдумалик ибн Марвон Шаъбийни жуда муҳим топшириқ билан Рум подшоҳи Жистинён олдида жўнатади. Подшоҳ элчининг гапларини эшитиб, зеҳнига тан беради, илмига, ҳозиржавоблигига гоътада ажабланади. Гарчи элчилик тартиботига хилоф бўлса-да, Рум подшоҳи Шаъбийни бир неча кун ёнида олиб қолади. Шаъбий кетишга изн сўрайди, гапида қатъий туради.

– Подшоҳ оиласиданмисан? – дейди Рум подшоҳи.

– Йўқ, оддий мусулмонларданман.

– Абдумалик ибн Марвон ёнига боргач, гапларимни айт ва мана бу хатни ҳам етказгин.

Дамашққа қайтган Шаъбий Абдумаликка учрашиш учун шошади. Барча кўрган-эшитганларини сўзлайди, саволларига жавоб қайтаради. Сўнгра хатни бериб ва чиқиб кетади.

Хатни ўқиган Абдумалик Шаъбийни тезда ортига қайтариб келишларини сўрайди.

– Бу хатда нима ёзилганини биласизми? – дея сўрайди халифа қайтиб кирган Шаъбийдан.

– Йўқ, эй амирал мўминин.

– Менга Рум подшоҳи: «Арабларга хайронман, улар қандай қилиб бу йигит турганида, ўзларига бошқа бировни амир этиб олди экан?» деб ёзибди.

Шаъбий дарҳол:

– Эй амирал мўминин, Рум подшоҳи сизни

кўрмасдан гапирган, агар сизни кўриб-таниса, бу гапни айтмаган бўларди, албатта, – дейди.

– Подшоҳ бу гапи билан нима демоқчи бўлганини англадингизми?

– Йўқ, эй амирал мўминин.

– Унинг ҳасади келибди, мен сизни ўлдириб, сиздан ажралиб қолсам, сиздан қутулсам... У шуни хоҳлаган.

Бу гап Рум подшоҳига етиб борганида у: «Ҳа, Аллоҳга қасамки, албатта, мен шуни назарда тутган эдим», деган экан.

Шаъбий камтарлигидан биров уни «олим» деб чақирса, хижолат бўлар экан. Унга: «Саволимга жавоб беринг, эй фақиҳ олим», дея муурожаат этишганида: «Эвоҳ, бизни мақташда ҳаддан ошманг. Фақиҳ Аллоҳ ҳаром этган нарсадан тақво қилади, олим эса Аллоҳдан кўрқадди. Биз бу сифатларга лойиқ эмасмиз», дейди.

Кимдир ундан масала сўраб қолса: «Бу ҳақда Умар ибн Хаттоб (р.а.) бундай деган, Али ибн Абу Толиб (р.а.) мана бундай деган...», тарзида жавоб қайтарарди. Савол бергувчи:

– Сиз нима дейсиз ахир, эй Абу Амр? – деса,

– Умар билан Алининг сўзи турганида, менинг гапимни нима қиласан? – дер экан тортиниб табассум ила...

Шаъбий айни чоқда жуда ҳалим инсон эди. Ривоятга кўра, бир одам уни жуда қаттиқ ҳақоратлабди ва унга тухмат-бўхтонлар ёғдирибди. Шунда Шаъбий қисқагина қилиб: «Агар бу сўзларинг рост бўлса, Аллоҳ мени кечирсин. Мабодо ёлғон сўзлаётган бўлсанг, Аллоҳ таоло сени мағфират қилсин», дея жавоб беради.

Шаъбий мартабаси улуғ инсон бўлса ҳам, оддий одамлардан ҳар вақт ибратланиб, уларнинг ҳикматларидан баҳраманд бўлишга интилган.

Бир аъробий Шаъбийнинг мажлисида доимо қатнашар ва ҳамиша жим ўтирар экан.

«Сен нега сўзламайсан?» дебди Шаъбий.

«Жим ўтириб саломат бўламан, қулоқ солиб билим оламан. Одамнинг эшитган гапи ўзига фойда беради. Сўзлагани бошқаларга тегади».

Шаъбий умр бўйи аъробийнинг бу сўзларини эсида сақлаб юрган.

Шаъбий саксон ёшдан кўпроқ умр кўрди. Парвардигори ҳузурига кетгани хабарини эшитган Ҳасан Басрий: «Аллоҳ уни раҳмат қилсин. Шаъбийнинг илми (беқиёс) кучли ва ўзи ўта ҳалим инсон эди. Унинг Исломда ўз ўрни бор», деган экан.

Баҳодир НУРМУҲАММАД

тайёрлади.



# БИТМАС-ТУГАНМАС ХАЗИНА

*Фуломжон Мирзаёқуб ўғли. 1940 йилда Фарғона вилояти Бувайда тумани Чўл қишлоғида туғилган. 1966–1973 йиллари Бухородаги Мир Араб мадрасасида, 1973–1975 йиллари Тошкент Ислам институтида таҳсил олган. Сўнгра 1975–1982 йиллар орасида «Совет шарқи мусулмонлари» журналинда масъул котиб, Тилла Шайх жомеъ масжидида имом ёрдамчиси, 1982–1989 йиллари Шайх Зайниддин жомеъ масжидида имом-хатиб бўлиб ишлаган. 1989 йилдан буён Имом Бухорий жомеъ масжидининг имом-хатиби.*

*Фуломжон Мирзаёқуб ўғли яқиндагина мамлакатимиз имом-хатиблари ўртасида ўтказилган «Истиқлол менинг тақдиримда» номли республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.*

– Домла, аввало, сизни «Хидоят» журнали таҳририяти ходимлари голиблик билан муборакбод этишади. Кўрик-танлов хусусидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Бундай илмий беллашувлар имом-хатибларимиз учун фойдали ва зарур деб ҳисоблайман. Маърифат талабидаги инсон, хусусан, жамоат олдида сўзлайдиган киши кўп ўқийди, турли китобларни мутолаа қилади. Аммо у барча маълумотларни хотирасида сақлаб қола билмайди. Такрорлаб туриши керак. Назаримда, кўрик-танлов бизнинг қайта-қайта китоб кўришимизга, изланишимизга, энг муҳим маълумотларни хотирда муҳрлашимизга сабаб бўлади. Бу анжуманнинг шу асоси менга маъқул келди. Шу боис, ёшим улугроқ бўлса-да, танловда иштирок этдим.

Бундай илм мажлислари ёшларимиз ўртасида янада кўпроқ ташкил қилинса, динимизнинг ҳаётийлиги, инсон манфаатларига хизмат этиши янада ойдинлашиб, намозхонлар орасидаги турли-туман ихтилофлар барҳам топар эди.

Назаримда, танлов саволларини илмий жиҳатдан чуқурлаштириш кони фойда. Эътибор қатнашчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга қаратилгани маъқул. Кўпгина диний тушунчаларни ҳаёт билан боғлаган ҳолда жамоатга етказишни имом-хатибларимиз билишлари керак. Чунки динимиз дунё ва охираат ишларини барабар ушлашга буюрган.

– Домла, шахсий ҳаётингиз ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

– Мен дин-диёнатли ишчи оиласида туғилганман. Ўрта мактабни битиргач, Наманган вилояти Поп туманидаги Най-

манча совхозида уста бўлиб ишладим. Тўғриси, менга бу касб кейинчалик ҳам жуда қўл келди. Илм олишимда ҳам, устозларнинг дуоларини олишимда ҳам.

1966 йили Мир Араб мадрасасига қабул қилиндим. Биласизми, ўша йили Тошкентда зилзила бўлган эди. Ҳунарим билан, энг аввало, раҳматлик Зиёвуддин қори домла, Исмоил маҳдум Соттиев, Абдулғани Абдуллаев каби устозларнинг хизматларини қилиб, дуоларини олдим.

Тилла Шайх масжидида имом ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган пайтларимда, гарчи замон нозик, даҳрийлик авжига чиққан бўлса ҳам, юрак ютиб, масжиднинг ҳозирги хонақоҳини қурганмиз. Бу хайрли ишимдан мутаассир бўлган устоз Зиёвуддин қори домла мени идорага масъул котиб



қилиб олдилар. 1981 йили эса Сурияга ўқишга юбордилар. Дамашқ университетининг шариат факултетида бир йил ўқидим.

Имом Бухорий жомеъ масжидимиз 1989–1995 йиллар орасида қурилди. Масжид жуда қулай ва кенг. Бу ерда бир вақтнинг ўзида беш минг намозхон ибодат қилиши мумкин. Бунинг ўрнида аввал «Аллон» масжиди бўлар эди.


– *Кечирасиз, домла, «аллон» сўзининг маъноси нима экан?*

– Бу сўзнинг маъносими? Ривоят қилишларича, ўша эски масжидни Али исмли бир киши бино қилиб, намозхонларни тўплаган экан. Раҳматликнинг бир оёғи оқсоқ бўлган экан. Одамлар масжидни шу киши номи билан «Али ланг», деб аташган. Вақт ўтиши билан бу бирикма «Аллон» шаклига келиб қолган, дейишади. Яна Аллоҳ билгувчиروқдир.

– *Масжидга ёшу қари баробар келади, уларни кўпроқ нималар қизиқтиради? Сизга кўпроқ қайси мавзуларда саволлар берадилар?*

– Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, биз истиқлол туфайли ўзлгимизни, эътиқодимизни, авлод-аждодаларимиз асрлар давомида ардоқлаб келган динимизни таниб олдик. Шу маънода масжидга келаётганларнинг ибодатдаги ёшлари кўпинча бир-бирига яқин. Аммо қариялар кўпроқ ибодатларининг мукамал бўлувини истаб, намоз, рўза, садақа, эҳсонга оид саволлар берадилар.

Ёшларимиз эса маърузаларнинг кўпроқ ҳаёт билан боғланувини ишташади. Бирор диний аҳком бугунги турмушимизга боғлаб тушунтирилса, кўзлари чақнаб кетади. Мамнуниятлари аниқ сезилади. Ёшларимизни нафақат бу дунёни, айти чокда, охиратни ҳам ўйлайдиган,



ота-оналарига итоатли, Ватанга садоқатли руҳда тарбиялашда динимиз ҳикматлари катта куч-қувват, битмас-туганмас хазина деб ҳисоблайман.

– *Кундалик турмушда ўзингиз учун дастуриламал қилиб белгилаган қондаларингиз борми?*

– Албатта. Ойиша онамиз (р.а.): – Албатта. Ойиша онамиз (р.а.): «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ахлоқлари Қуръон бўлган*», деб марҳамат қилганлар.

Мусулмон кишининг дастури оят ва ҳадис. Бунда дунё ва охират яхшиликлари мужассам. Қанийди, барча билган, ёд олган ояту ҳадисларимизга амал қилиб яшай олсак. Мен кўпроқ «Роббана аатина...» деб бошланувчи оят-дуога амал қилишга интиламан. Чунки бунда биз бандалар дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам яхшиликларини сўраймиз. Биз шунга буюрилганмиз. Айти пайтда, дўзах азобидан ҳам паноҳ тилашимиз керак. Негаки, дунёсиз охиратга эришиб бўлмайди, дунёнинг тинчлиги, охират амалларимизни мукамал бажаруви-

мизга воситадир. Ҳаёт нотинч бўлса, турмушда ташвиш-етишмовчиликлар кўп бўлса, амалларимиз қусурли бўлиб қолади.

– *«Ҳидоят» журналига муносабатингиз, муштарийларимизга тилакларингизни айтсангиз...*

– «Ҳидоят» журналинини имкони борича ўқиб бораман. Журналда чоп этилаётган мақолалар замонамизга уйғунлиги, келтирилган оят ва ҳадисларнинг маъно-мазмунлари ҳаётий масала-муаммолар билан боғланиши мени қувонтиради. Тошкентдан йироқ туманларнинг имом-хатиблари «Ҳидоят» журналининг жума мавъизалари учун тайёр манба эканини тан олиб сўзлаганларига кўп марта гувоҳ бўлдим.

Таҳририят ходимларига Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, ижодларига баракотлар, журналнинг барча ўқувчиларига кўп-кўп ажру савоблар тилаб қоламан.

**Баҳодир КАРИМ**  
суҳбатлашди.



### Қоҳирада Қуръон байрами

Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида анъанавий тўққизинчи Қуръон байрами ўтказилди. Байрамни очар экан, Миср бош вазири Атиф Эбейт бугунги кунда Ислом дини ҳақида энг тўғри тушунчаларни кенг ёйиш нақадар муҳимлигини таъкидлади. Жумладан, Ислом сабр-бардошлиликни, бағрикенгликни, тинч-тотувликни қанчалар қадрлашини бутун дунё аҳли яхши билиб олиши зарур, деди.

Бутун Ислом дунёси муқаддас Қуръон ҳукмларини ҳар қачонгидан ҳам кенгрок, чуқурроқ ўрганиши, риоя этиши керак. Кишилик жамияти учун бунинг аҳамияти бебаҳодир. Маълумки, Миср университетлари дунёдаги барча мусулмонлар учун очикдир. Масалан, биргина машҳур Ал-Азҳар университетида ҳозиргача йигирма мингдан ортиқ хорижлик талаба таҳсил кўрган.

Ал-Азҳарнинг бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантовий, университет олимлари, вақф ишлари вазирлиги ва бошқа диний ташкилотлар Исломнинг асл табиатини оммага тўғри тушунтиришда кучларни бирлаш-

тириб, ҳаракат қиладилар, деб таъкидлади. Анжуманда дунёнинг 65 мамлакатидан вакиллар иштирок этди.

### Саййид Иброҳим кўргазмаси

Париж шаҳридаги Миср маданият марказида таниқли хаттот Саййид Иброҳим асарларининг кўргазмаси муваффақият билан намоиш этилмоқда. Мисрнинг маданият ишлари бўйича Париждаги маслаҳатчиси Хани Хелолнинг айтишича, бу кўргазма «Мисрда Рамазон тунлари» номи остида ўтказилган тадбирларнинг бир қисми бўлди, холос. Бу тадбирлар чоғи Ислом ҳақида суҳбатлар, мусаввирлар ва хонандалар билан учрашувлар уюштирилгани яхши бўлди.

Фаранг томошабинлари Аллоҳ таолога исломий ёзув санъати воситасида тавалло этган хаттот асарларидаги ёруғликни, гўзал тартибни юксак баҳоладилар.

Кўргазма Париж марказидаги Араб Дунёси институтида ҳам намоиш этиладиган бўлди.

### Италия элчиси мусулмон бўлди



«Франс-пресс» агентлигининг хабар беришича, Италиянинг Саудия Арабистонидаги элчиси Торкато Кардейлли Ислом динини қабул қилди. Италия элчихонасидан ҳам шундай хабар тарқатилган. Торкато Кардейлли Қуръони каримни, Исломга оид бошқа

манбаларни кўп ўқиб-ўргангандан сўнг шундай қарорга келди ва шу йилги Рамазон арафасида, 15 ноябр куни шаҳодат калималарини айтди. У Саудия Арабистонидаги бошқа давлатлар элчилари орасида Исломни қабул қилган биринчи элчидир.

Торкато Кардейлли 59 ёшда, икки фарзанднинг отаси, араб тилини яхши билади. Ўттиз тўрт йилдан бери халқаро дипломатия соҳасида ишлайди.

Ислом даъвати қароргоҳининг директори шайх Нух ибн Носирнинг айтишича, ҳозир Италияда беш юз мингдан ортиқ мусулмонлар яшайди. Мамлакатда тўрт мингдан ортиқ масжид ишлаб турибди.

Бундан аввал 1994-1995 йиллари Италиянинг Саудия Арабистонидаги элчиси бўлиб ишлаб кетган Марио Скьялоя ҳам Исломга кирган эди. Эндиликда у Италия Мусулмонлар лигасига етакчилик қиляпти.

### Уилл Смит қарори



Амриқолик машҳур киноактёр ва хонанда Уилл Смит Исломни қабул қилди. АҚШдаги мусулмонлар жамоалари етакчилари уни бундай қарори билан табрикладилар. Уилл Смит янги суратга олинган филмда машҳур боксчи

Муҳаммад Али ролини ижро этган эди.

Уилл машҳур боксчи ҳаётини ўрганар экан, Ислом ҳақида кўп ўйга толар эди, деб таъкидлашади киноактёрнинг дўстлари. Энди эса у мусулмон бўлиб ҳаётда олға интилиш истаги билан ёнмоқда.

Шимолий Амриқо мусулмонлари уюшмаси директори Софйан Закут Уиллнинг Исломни қабул қилганини эшитиб, қувончини бундай изҳор этди: «Муҳаммад Али мамлакатимиз мусулмонлари орасида энг яхши намуналардан биридир. У динимизнинг толмас даъватчисидир. Энди Уилл Смит ҳам унинг ишини давом эттира олса, ниҳоятда зўр бўларди! Ислом тинчлик динидир ва агар Муҳаммад Али ва Уилл Смит сингари олижаноб кишилар Ислом ҳақиқатини одамларга етказа олишса, қандай яхши бўлар эди.



Интернет  
материаллари  
асосида  
тайёрланди.

## ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ВАФОТИ



Ҳижрий 1111 йил 14-жумодил аввал, душанба. Умрининг асосий қисмини илмга ва таълим-тарбияга бағишлаган Имом Ғаззолий ҳар галгидек тунни тоат-ибодат билан ўтказдилар. Субҳ вақти киргач, таҳорат янгилаб, бомдод намозини адо қилдилар. Сўнгра ўзларига кафан тайёрлаб беришларини сўрадилар. Кафанни ўпиб, юзкўзларига сурдилар ва бошларига қўйган ҳолда:

— Эй Парвардигорим! Амрингга мунтазирман, — деб хоналарига кириб кетдилар. Ҳужраларида ҳар галгидан кўпроқ қолганларидан хавотирланган мухлислари ичкарига киришса, Имом Ғаззолий юзларини қиблага қаратган ҳолда жон таслим қилган эканлар.

Имом Ғаззолий ҳазратларини васиятларига биноан Шайх Абу Бакр ан-Нассажа (қ.с.) қабрга қўйди. Шайх қабрдан чиққанида ранги ўчган ва жуда кўрқиб кетган эди. Сабаби сўралганида жавоб беришдан бош тортди. Ҳеч кимга айтмасликка сўз берилгач, айтишга мажбур бўлди.

— Ҳазратни қабрга қўйганимда қибла томондан ўнг қўл чиқиб келди ва сокин овоз билан: «Муҳаммад Ғаззолийнинг қўлини саййидулмурсалийн Муҳаммад алайҳиссаломнинг қўллари устига қўйинг!» дейилди. Мен ушбу топшириқни бажариб, қабрдан чиқдим. Кўрқиб кетганимнинг боиси шудир.

Саййид Мустафо Бақрий (қ.с.) ҳикоя қилади:

— Мен Мадинаи Мунавварада Масжидун Набавийнинг хизматкори эдим. Ҳар кеча тушимда Пайғамбаримизни (с.а.в.) кўрар эдим. Доимо табассум қилганлари учун, вазифамни аъло бажарибман, деб хурсанд бўлардим. Бир кеча у зотни хафа кўрдим. Пайғамбаримиз (с.а.в.) менга юзланиб: «Эй Мустафо, сиз сира хафа бўлманг! Хизматингизда бир қусур йўқ, фақат умматимнинг олимларидан менинг исмида бўлган бир зот вафот этди, шунинг учун хафаман!» дедилар. Сўнгра маълум бўлдики, шу куни Имом Ғаззолий ҳазратлари вафот этган эканлар.

Фатҳиддин МАНСУР  
таржимаси



Хамроқул АСҚАР

## Аллоҳ зикридадир ҳар лаҳза дилим

\*\*\*

Аллоҳ зикридадир  
 ҳар лаҳза дилим,  
 Шул боис кўрқитмас  
 мени ҳеч ўлим.  
 Тилимга танмаҳрам  
 шукр каломи,  
 Сабру қаноатга  
 фарзанддир элим  
 Қон ила жонларга  
 сингигани шул —  
 Таъзимга талашар  
 ҳар икки қўлим.  
 Аллоҳ фазли ила  
 вайрона обод,  
 Энг ғариб боғлар ҳам  
 кўрингай сўлим.  
 Денгизим томирин  
 қирқма, эй ғаддор,  
 Жой-жойида турсин  
 саҳройу чўлим.  
 Чўлтоқ сафсатагни  
 бас қил, эй воиз,  
 Ўзимга аёндир  
 ўзимнинг феълим.  
 Дунё бозоридан  
 қайтмоқдадирмиз,  
 Юкларнинг зўридан  
 қайишган белим.  
 Ҳаёт бу илмдир  
 бош-охири йўқ,  
 Умрим шу китобдан  
 кичик бир бўлим.  
 Болишим остида  
 Машраб девони,  
 Яссавий бобомдан  
 олганман таълим.  
 Йўлдаман, кимларга  
 йўлдош бўлмадим,  
 Охири қошингга  
 қайтдим-ку, гулим.



\*\*\*

Гоҳида бўлади оч қолган пайтим,  
 Шу чоғлар тозарар ёзган ҳар байтим.  
 Ҳаром луқмалардан сақланиб, топган  
 Ҳалол қотган ноним менинг ҳайитим.

\*\*\*

Бир дўстим кўп қиммат тошим бор дейди,  
 Яна кўп ақлик бошим бор дейди.  
 Кун бўйи далада тер тўккан деҳқон  
 Кел дейди, бир коса ошим бор дейди.

\*\*\*

Баъзи отлиқлардан афзал пиёда,  
 Нафси тўқлар билан дунё зиёда.  
 Кўзи очлар билан чиқишмас кўнгил,  
 Шулардан сақласин ўтар дунёда.

\*\*\*

Очиғи, нотўғри кўп ишларимиз,  
 Бевақт тўкилмоқда соғ тишларимиз,  
 Ерни пайҳон қилдик, осмон ҳам зада,  
 Ёзга ўхшаб қолди куз, қишларимиз.



\*\*\*

Қай бир зотнинг шукри, ибодати бор,  
 Ҳар икки дунёда саодати бор.  
 Улуғ мартабага бўлгай мушарраф,  
 Унинг ўз офтоби, самовати бор.

\*\*\*

Бу дунёнинг давлати кўринмас ҳеч кўзимга,  
 Ўзимдан сал кетгандим, яна қайтдим ўзимга.  
 Ўзимдан ҳам уялиб юрибман-ку, азизим,  
 Шу тупроқни қизғанма, қўл узатма бўзимга.

\*\*\*

Виждонимни поклаб ой қилиб бергин,  
 Нафсимни жиловлаб той қилиб бергин.  
 Майли, кўз ёшларим ичимга оқсин,  
 Сўнгра юрагимдан жой қилиб бергин.

Умида АБДУАЗИМОВА

## Тушундим кенг дунёни

### Ота юртим

Она гўшам, ота юртим,  
сени таниб, олға юрдим.  
Бир қирғоқда қолган хасдек  
беҳол-бежон этмагин.

Танамда бесарамжон ишқ –  
қувонч-ғамга қоришиқ,  
Сени йиғлаб, кулиб топдим,  
унут ташлаб кетмагин.

Сени азиз сақлағайман  
кўзларим қаросида.  
Сен дилимни тарк айлаб,  
қўйма йўл аросида.

Ишонч билан босган ҳар бир  
қадамим сен туфайли.  
Хуш бўйинг-ла ўтган ҳар бир  
хуш дамим сен туфайли.

Фақат сенга орқа қилиб  
тушундим кенг дунёни.  
Ошно эттинг дилимга эрк,  
йўлимда нур-зиёни.

Она гўшам, ота юртим,  
Ишқинг дилдан кетмасин.  
Аллоҳ бизни дўстларга зор,  
душманга хор этмасин...



### Ўзингга шукр

Ўзинг бергандинг, Аллоҳ,  
Ўзинг қайтариб олдинг.  
Ўзингдан сабру паноҳ –  
Мағфиратингга олгин!

Дуога очиб қўлим,  
Дейман, ўзинг бер йўлим!  
Ҳаёт қанча беором  
Бўлса, шунчалар сўлим!

Келажак кунларимда  
қувониб яшай, Аллоҳ.  
Меҳру марҳаматингга  
Суяниб яшай, Аллоҳ.

Ҳамроҳим эрур мангу  
Эзгу уй-фикр, Аллоҳ!  
Бу дунёда не топсам,  
Ўзингга шукр, Аллоҳ...



### Ният

Қабристонда ётар одамлар  
Кундузларни алишиб тунга.  
Келмадилар, йўқ, келтирдилар  
одамларни одамлар бунга.

Фами йўқдир кимнинг дунёда,  
Ками йўқдир қайси жонзотнинг?  
Кундан-кунга савол зиёда,  
Дилда дарди шоду ношоднинг.

Чидаймиз-да, қучмасин армон  
Иссиқ-совуқ кунда – кузакда.  
Ҳар дақиқа бизни қувнатсин,  
Умид гули унсин юракда.

Фаниматдир осмон, ойимиз,  
Ҳатто ичиб турган чойимиз.  
Кўмсин ёруғ оламни буткул  
Кўнгил меҳри – тошқин  
сойимиз.

Улгурамиз ҳамишалик зор,  
Интиқ кутар маконимизга.  
Бахт-омонлик тилайлик токи  
Эзгулик ёр имқонимизга.



Отaxon САФАР ўғли БОҚОНИЙ,

Челак туманидаги  
«Имом Бухорий»  
мажмуаси ходими

### Тарбияси яхши бўлса

Ота-она хизматидан толмайди  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.  
Ёмон гапни ҳеч қулоққа олмайди  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.

Ожизларни суриб қўймас нарига,  
Тенг туради инсонларнинг барига.  
«Қариялар уйи» тўлмас қарига,  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.

Темур бобом, Мир Алишер, Улугбек,  
Ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Бобурдек,  
Дунё бўйлаб довруғ таратар ўзбек  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.

Ватанини ганимларга сотмайди,  
Ўз халқига милтиқдан ўқ отмайди.  
Адашмайди, гуноҳларга ботмайди,  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.

Ёмон асли ўз-ўзига жабрда,  
Яхшиларнинг фазилати сабрда,  
Ота-она тинч ётади қабрда  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.

Ғийбат қилмас, қилмас тухмат, хиёнат,  
Қалбда имон, тақво, дину диёнат.  
Уялтирмас келса вақти қиёмат,  
Тарбияси яхши бўлса фарзанднинг.



VII асрда Қутайба ибн Муслим раҳматуллоҳу алайҳ Ўрта Осиёга, аниқроғи, Мовароуннахрга Исломни олиб келди. Бу диёрдан улуғ муҳаддислар, фақиҳлар етишиб чиқди.

VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳанафийа мазҳаби таълимоти асосида Мовароуннахр фикҳ мактаби вужудга келди. Мовароуннахрлик фақиҳлар теран билимлари ва қимматли асарлари билан Ислом дунёсида катта шуҳрат қозондилар.

Маҳмуд улардан Ҳалабда қолишларини илтимос қилиб, чопар орқали нома жўнатади. Чопар номани олиб келганида Фотима уйда ёлғиз эди. Шу туфайли элчини қабул қилмайди.

Ҳукмдор кейинги сафар бир аёлни элчи қилиб жўнатади. Аёл номани Фотимага келтириб беради. Фотима эри Косоний билан номани ўқиб кўргач, ҳукмдор райини қайтара олишмайди. Ҳалабда тоФотима вафотигача яшаб қолишади.

## АЛОУДДИН АБУ БАКР АЛ-КОСОНИЙ

Қорахонийлар даврида (XII аср) яшаб ижод қилган ана шундай буюк фақиҳлардан бири Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косонийдир. Бу даврда Мовароуннахрда шофеъийлар билан ҳанафийлар ўртасида мунозара кучайган эди.

Алоуддин ал-Косоний устози Алоуддин Абу Бакр ас-Самарқандийнинг «Тухфатул фуқаҳо» асарини шарҳлаб «Бадойиъ ас-Санойиъ фи тартиб аш-Шавафиъ»ни ёзади ва устозига тақдим этади. Устоз жуда мамнун бўлиб, қизи Фотимани Косонийга турмушга беради. Ал-Косоний ёзган шарҳ маҳр ўрнига ўтади.

Аввал-бошда устоз Алоуддин ас-Самарқандий ва унинг қизи Фотима томонидан имзоланган фатволар чиққан бўлса, Косоний уйланганларидан кейин уювлари имзолаган фатволар чиқа бошлайди.

Отаси Муҳаммад Фотимани ёшлигиданоқ илмга қизиқтиради, кейинчалик эса буюк фақиҳга бўлиб етишади. У отасининг «Тухфатул фуқаҳо» асарини ёддан билган. Манбаларда келишича, Фотима ўзи ҳам отасининг асарлари каби бир нечта асарлар ёзган. Таасуфки, улардан бирортаси бизгача етиб келган эмас.

Ал-Косоний ҳазратлари умр йўлдоши билан Ҳалаб шаҳрига бориб, у ерда бир неча йил яшайдилар. Маълум вақт ўтгандан кейин икковлари Мовароуннахрга қайтмоқчи бўлишади. Лекин Ҳалаб ҳукмдори Нуриддин



Фотима умр йўлдоши Косонийдан олдин вафот этади. Ҳалабдаги «Мақоми Иброҳим Халил» деган жойга дафн этилади.

Абу Бакр ал-Косоний хотинларининг вафотидан кейин Кўняга борадилар. Кўняда салжуқийлардан Масъуд I саройида бўладилар. У ердан Онадўлига ўтиб, дарс берадилар. Бироқ маҳаллий олимлар билан ҳукмдор Қилич Арслон орасида тортишувлар бўлади. Бу нарса ҳукмдорга ёқмайди. Шундан кейин Косоний билан Қилич Арслон орасига совуқлик тушади. Шу сабаб Косоний яна Ҳалабга қайтиб, ҳукмдор Нуриддин

Маҳмуднинг илтимоси ва кўрсатмасига биноан ал-Ҳалавия мадрасасида дарс берадилар. Умрларининг охиригача ўша ерда қоладилар.

Манбаларга кўра, буюк сунний фақиҳи хижрий 578 (мил. 1191) йили Ҳалабда вафот этадилар. Жуфти ҳалоллари Фотиманинг марқади ёнига дафн этиладилар.

Ал-Косонийнинг бизгача «Шариат тартибидаги ажойиб санъатлар» номли асарлари етиб келган. Бу ҳанафий фикҳига оид асарлар орасида энг ишонарлилардан ҳисобланади. Шунингдек, Косоний илми қалом соҳасига оид «Ас-Султон ал-Мубин фи усул аддин» номли асар ҳам ёзганлар.

Албатта, бундай улуғ боболарнинг бугунги авлодлари уларга муносиб издошлар бўлмоғи керак.

Толибжон НИЗОМОВ

## Расулulloҳнинг (с.а.в) олтин ҳадялари

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Бир куни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир аъробийнинг ёнидан ўтаётиб, намоздан сўнг пичирлаб шундай дуо қилаётганини эшитдилар (мазмуни):

*«Эй кўзлар кўрмайдиган, ақллар идрок қилолмайдиган, васфчилар васф этолмайдиган, ҳеч бир воқеа-ҳодиса ўзгартира билмайдиган, офатлардан кўрмайдиган, тоғларнинг оғирликларини, денгиз сувларининг ўлчовини, ёмғир томчиларию дароҳт япроқларининг сон-саногини, кеча ва кундуздаги нарсалар ҳисобини билгувчи Зот! Осмон юксаклигию Ернинг туби ҳам, денгиз тагию тоғнинг қаъри ҳам – ҳеч бир нарса Сендан пинҳон эмас. Умримнинг поёнини унинг энг яхшиси, ишларимнинг охирини уларнинг энг яхшиси қилгин ва сенга йўлиқажак куним ҳам кунларимнинг энг яхшиси бўлсин».*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ас-ҳобларидан бирига ўша киши ёнида қолиб, ибодатини тугатгач, уни ҳузурларига олиб боришни буюрдилар. Кўп ўтмай аъробий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ҳозир бўлди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига ҳадя қилинган олтинларни унга бердилар ва сўрадилар:

- Эй аъробий, қаерликсан?
- Мен Бани Омир ибн Сасаъ қабиласиданман, эй Расулulloҳ!
- Бу олтинларни сенга нима учун берганимни биласанми?
- Ё Расулulloҳ, орамиздаги биродарлик ришталари янада мустаҳкамланиши учун бергандирсиз.
- Шубҳасиз, биродарлик ҳаққи буюк. Аммо мен бу олтинларни Аллоҳ таолога гўзал дуо қилганинг учун бердим, – дея марҳамат этдилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.


### Аллоҳим, бизни кечиргин

Абу Саид розийаллоҳу анҳунинг озод этган кули Асид ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу хуфтон намозидан кейин масжидни кўздан кечирар ва намоз ўқимаётганларни кўрса, ташқарига чиқариб юборар эди.

Бир куни саҳобалардан Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳу ва яна бир неча киши ёнидан ўтаётиб:

- Улар ким? – дея сўради.
- Эй амирал мўминин, булар сизнинг дўстларингиз, – деб жавоб берди Убай ибн Каъб.



– Намоз тугади, бу ерда нима ишингиз бор?  
– Ўтирибмиз, Аллоҳни зикр этмоқдамиз, эй амирал мўминин.

Шунда Умар уларнинг ёнидан жой олди. Ўтирганлардан бирига:

– Бошла! – деди».

Абу Саид давом этиб, айтади:

«Умар уларни бирма-бир зикр эттиргач, навбатни менга берди. Мен унинг ёнида ўтирган эдим.

– Қани, бошлагин, – деди. Аммо унинг ҳайбатидан тилим тутилди ва бир оғиз сўз айта билмадим. У менга қараб:

– «Аллоҳим! Бизни кечиргин, Аллоҳим! Бизни мағфират қил!» дея олмайсанми? – деди.

Сўнг ўзи дуо қила бошлади. Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, жамоат ичида ундан кўп йиғлаган киши бўлмади. Кейин:

– Шу ерда (Бас, етар)! – деди. Жамоат ҳам тарқалди».

### Дуонинг хосияти

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилади:

«Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир хаста кишининг олдига борадилар. У одам касаллиги туфайли, патлари юлинган қуш каби, ночор ҳолатда эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан:

– Сенинг Аллоҳ таолодан қандай тилагинг бор? – деб сўрадилар.

– Мен ҳар доим «Аллоҳим, агарда менга охиратда жазо бермоқчи бўлсанг, уни охиратга қолдирмай, шу дунёда бергин», деб дуо қилар эдим, – деди касал киши.

– Сен нима учун «Аллоҳим! Бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик бер ва бизни жаҳаннам азобидан қутқаргин», деб дуо этмадинг? – дея Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам савол қилдилар.

Сўнгра ҳалиги киши Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатганларидек дуо қила бошлади. Аллоҳ таоло унга шифо берди.

«Ҳаёт-ус саҳоба»

китобидан

Устоз АБДУЛАЗИЗ ҚОРИ ота:



## ДАРС БИТТА, ТАКРОРИ МИНГТА БЎЛСИН

*Устоз Абдулазиз қори ота юз ёшни қоралаб қолдилар. Бутун умрларини Аллоҳ таолонинг китобини ўрганиш ва бошқаларга ўргатиш ишига бағишлаган бу инсоннинг ҳаёт йўли биз учун ибратларга тўладир. Ун беш ёшларида қори бўлган отахон, мана, 80 йилдан ошибдики, Аллоҳнинг муқаддас каломини қалбларида ардоқлаб юрибдилар.*

*Рамазоннинг серфайз кунларидан бирида биз — Зоҳиджон қори домла, ёзувчи Эркин Малик ва камина уювдон Абдулазиз қори отанинг зиёратларида бордик. Ниятимиз у киши билан илм, устозлар ҳақида суҳбатлашиш, дуоларини олиш эди. Қори ота сўзни ота-оналари, азиз устозларини хотирлашдан бошладилар.*

— Туғилган жойимиз Андижон шаҳри. Ўша ерда ўсиб-улгайдим, қори бўлдим. Отамизнинг оталари Шомирза ҳожи олим одам бўлганлар. Отамиз Мулла Маҳмуд домла ҳам Бухорода ўқиганлар.

Бувимни эса Марям ҳожи она дейишарди. Бобом ва бувимлар ҳажга бориб, кўп йиллар Маккада яшаб қолишган экан. Мен туғилганимда раҳматлик бувимиз суянганларидан Маккадан Андижонга келганлар. Онамни эса Нозикхон ая деб чақиришарди. Биз фарзандлар олти ўғил, уч қиз эдик. Аллоҳ раҳмат қилсин, ота-онамиз бизга меҳрибон, таълим-тарбия олишимиз учун ғамхўр эдилар. Тўнғич акамиз ҳам мураттаб қори бўлганлар. Истиқоматлари Қўқонда бўлган, ундан кейин Бухорода яшаганлар. Бухоролик машҳур Асвад Махсум домла деган олим олдинроқ у кишига устозлик қилганлар. Советлар Бухорони қамалга олиб, бомбардимон қилишган 1922 йили хасталикка чалиниб, оламдан ўтганлар. Хунрезликни қарангки, шаҳар босиб олингач, истилочилар беш юз нафардан ортиқ катта олиму қори, мударрис одамларни Когонга олиб чиқиб,

сўйганлар. Асвад Махсум домла четга чиқиб кетган эканлар. Кейинчалик менга устозлик қилган Рўзи қори домла эса асир тушганлар. Кўзларини боғлаб, кундага олиб чиқишганида, домланинг истилочиларга араллашиб-ёрдамлашиб юрган бир шогирдлари у кишини таниб қолади. Шунда у: «Бу одам бир чакана савдогар, англашилмовчилик билан араллашиб қопти», деб домлани ўзининг бўлмасига олиб боради. Сўнгра яширинча қочириб юборади. Устознинг ҳурматини қилган-да.

Шундан кейин Рўзи қори домла Андижонга келадилар. Биз ҳам у кишининг қўлларида ўқиб, қори бўлганмиз. Домла ўшанда арабу ажамда машҳур уламолардан бири эдилар.

Советлар даврининг дастлабки 4–5 йили тинчликда ўтди. Бу йиллари Рўзи қори домла жуда кўп талабаларга сабоқ беришни бошлаган эдилар. Кейинчалик, ер ислоҳоти, қулоқ тугатиш деб ҳар хил зўравонликлар бирин-кетин ёпирилди. Жамиятда даҳрийлик хуружлари авжга чиқа бошлагач, илмли инсонлар энди Шарқий Туркистонга, Қашқарга ҳижрат қила бошлашди. Қисқача айт-

ганда, ўша йиллари Афғонистон, Ғўлжа, Қашқар, Қозоғистоннинг Хитой билан чегарадош ҳудудларига жуда кўп ўзбеклар кўчиб борган эдилар.

Рўзи қори домла, у кишидан кейин биз ҳам Қашқарга кўчиб, яна илм таҳсилига берилдик. Маҳаллий уйғурлар биз мухожир ўзбекларни жуда илиқ кутиб олишди. Бирлари уйини берди, бирлари кийимини. Хуллас, тезда ўзимизни ўнглаб олишимизга ҳартомонлама кўмак беришди. Худди мадиналик ансорлар маккалик мухожирларга қилган муомаладек муомала кўрдик. Натижада тез орада худди туғилган жойимиздаги каби бир муҳитда яшаётгандай бўлди. Совет ҳукумати Хитойдан қочоқларни қайтаришни сўради. Аммо улар биздан ҳимоя истаб келганларни мажбуран қайтаролмаймиз, деб бунга рози бўлишмади. Шундай қилиб, салкам қирқ йил Қашқарда яшадик.

— *Бу одамларнинг гуноҳи диндор бўлганимиди?* — деб сўраймиз қори отанинг сўзларини бўлиб.

— Йўқ, фақатгина диндор, художўйлиги эмас. Савдогарлар, ишбилармонлар, олимлар, умуман, сизларга ўхшаган



«кўзи очиқ» маърифатли одамларнинг ҳаммасини советлар ҳукумати ўзига душман билар эди.

Хуллас, 1959 йили юртга қайтиб келганмиз. Ўшанда ҳам анча оғир йиллар, Тошкентнинг биз келиб ўрнашган мана шу Эски Жўва атрофлари ҳали шаҳар тусини олмаган эди. Озиқ-овқат топилмас, борлари ҳам жуда қиммат, қаҳатчиликка ўхшаш бир ҳолат ҳукм сурар эди.

Динга, диндорларга муносабат унчалик ўзгармаган эди. Умуман, Аллоҳга шукр қилиб, айтмоқчиманки, бугуннинг қадрига етишимиз керак. Қаранг, эндиги ёшларга илм олишлари учун қандай кенг имкониятлар бор-а.

Ҳар ибодатдан сўнг Аллоҳ таолога кўп-кўп истиффор айтсак, эл-юртимиз тинчлигини сўраб тинимсиз дуо-илтижолар қилсак, яхши бўлади. Раҳматлик устозларимиз бир насиҳатни тез-тез такрор қилишарди: «Бу дунёда энг сўнгги — бир мартагина дуо қилиш имконинг қолган бўлса ҳам, подшоҳ ҳаққига яхши дуо қилгин. Чунки подшоҳ яхши бўлса, унинг хайру баракотидан энг аввало, эл-юрт баҳраманд бўлади». Айни насиҳатга бугун биз ҳам яқдил бўлиб амал қилишимиз зарур. Бунда кўп савоб бор. Давримизга шукр қилсак, ҳалол юрсак, ҳалол турсак, иншааллоҳ, бизга берилган бу неъматлар янада зиёда бўлади.

Устозларни ҳам яхши кунларда бир-бир хотирлаш қанчалик хайрли иш...

Андижонда яшаб ўтган катта мударрислардан Муҳиддин махсум домла Саиджалол қози домла ўғиллари, Абдукарим ҳожи домла ва бошқаларнинг ҳаёти бизлар учун кўп ибратли бўлган.

Илк устозим Рўзи қори домла йигирманчи йиллар бошларида Бухородан Андижонга келганлар. Халқ у кишини эъзозлаб, Миркомилбойнинг қорихонасига бош мударрис этиб сайлаган. Шунда мен 12–13 ёшларда бўлганман.

Дадам раҳматли мени Рўзи қори домла ҳузурига — қорихонага олиб борганлар. Икки йил ўқиб, 15 ёшимда қори бўлганман. Дастлабки йиллар совет ҳам дин ишларига дахл қилмаган, мадрасалар, қорихоналар ишлаб турган. Кейинчалик, Куръонни ўргансин-у, бошқаларга дарс ўтмасин, бундай ёшдагилар ўқисин, ундай ёшдагилар ўқимасин, дея бошлади. Уч-тўрт йил ўтиб эса қорихоналарни ёпиб қўйди. Талабалар бир неча гуруҳларга бўлиниб, ҳар жой-ҳар жойда, бойроқ диндор одамларнинг уйларида дарс ўқийдиган бўлишди. Бора-бора бу ишларни ҳам таъқиқлашди. Қори домламизни эса қамадилар. Бу воқеа адашмасам, 1927 йили бўлган. Бойларнинг мусодара қилинган ҳовлиларига, ертўлаларга қамашар эди. Ўқишимиз тўхтаб қолди. Минг-минглаб оддий одамлар, қори домлани нега қамашди, деб норози бўлиб чиқишган ўшанда. Кузга бориб, домла қамоқдан чиқиб, бизникида, яна бошқа жойларда яшириниб юрдилар. Охири Қашқарга ҳижрат қилинди.

Домламиз Қашқарда ҳам қорихона очдилар. Муҳиддин махсум домланинг дарсхонаси ҳам бизга яқин жойда эди. У кишидан ҳам дарс олганман.



Илм истовчилар бу ерда ҳам шунчалик кўп эдики, Рўзи қори домла кечаю кундуз дарс ўтишга мажбур бўлар, ҳафта-сига бир марта уйларига борар, бошқа пайт мударрисликдан бўшамас эдилар.

Ҳар ўн нафар талабага битта китобдан бир мавзудаги дарсни мутолаа қилдирадилар. Баъзан катта гуруҳларда талабалар 20–30 нафар бўлиб кетарди. Бир гуруҳ дарс ўтиб, чиқса, шу заҳоти иккинчи гуруҳга дарс бошланар эди.

Ўша йиллари мударрислар тез-тез айтиб турадиган бир ҳикмат бор эди: «Аддарсу ҳарфун, аттакрору алфун» яъни, «Бир марта дарс олсанг, минг марта такрор қил». Рўзи қори домла ҳам биз шогирдлардан шу қоидага риоя этишимизни талаб қилардилар.

Куръон ўргатишда домланинг ўнлаб халфаси — ёрдамчиси бўларди. Андижонлик Нишон қори, қашқарлик Қодиржон қорилар шундай ёрдамчилардан эди.

Қашқарни «Шарқий Туркистоннинг Бухороси» деб аташарди.

(Давоми келгуси сонда)

Абдул ЖАЛИЛ  
ёзиб олди.



## БУЮК УЧ КАЛОМ

Аллоҳ таоло инсонга тилни бериб, уни ер юзидаги бошқа жонзотлардан ажратди, тилига зикрни бериб, фазлини янада юқори кўтарди. Бу неъмат ила банда ҳеч бир куч ишлатмасдан, қийналмасдан, буюк-буюк савоблар қозона олади, устига ёғилиб келаётган балоларни даф этади, билган-билмаган душманларидан омонлик топади, Аллоҳнинг марҳаматига ноил бўлади.

*Тасбеҳ*, яъни, «*субҳаналлоҳ*» дейиш Аллоҳ таолонинг барча нуқсон ва камчиликлардан поклигига иқроор бўлишидир.

Субҳаналлоҳ... Еру само ва улардаги бор нарсалар Аллоҳ таолони ёд этади. Осмондаги фаришталар, фалакларда сузиб юрган юлдуз-сайёралар, ёғаётган ёмғир, гулдураётган момоқалдирак, унаётган гиёҳлар, ўзани сари узанган дарёлар, кушлар, балиқлар, ваҳшийлар, ҳашоратлар... ҳамма ҳаммаси Аллоҳ таолони зикр этади. Мўмин банда эса, улар-

дан фарқли ўларок, Парвардигорининг поклигига ҳам ақлан, ҳам қалбан иқроор бўлган ҳолда тасбеҳ айтади. Зеро, бандасидан исталган нарсалардан бири ҳам шу аслида.

*Таҳмид*. Аллоҳ таолога ҳамд-мақтов айтиш, «*алҳамдулиллаҳ*» дейишдир. Аллоҳ таоло бандаларига ҳисобини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган даражада неъматлар берди, уларнинг тана аъзоларини Ўзига итоат этишга, фарзларини бажаришга яроқли қилиб қўйди, ризқларини тақсим этди, ҳаёт неъматларидан баҳра-

манд қилди ва бандаларини абадий неъматга чорлади. Лекин берганлари учун ҳақ сўрамади. Аввалу охирда Раббимизга ҳамду санолар бўлсин. Ёлғиз Аллоҳ мақтовга, ҳамду саного лойиқ зотдир.

*«Аллоҳ таоло бандасига бир неъмат берганида алҳамдулиллаҳ деса, (шу айтганига) олган савоби етишган неъматидан афзалдир»*, дейилади ҳадиси шарифда.

*Такбир*. Улуғлаш дегани бўлиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолони улуғлашнинг тилдаги ифодаси «*Аллоҳу акбар*» калимасидир.

Аллоҳни улуғлаш, фақат Аллоҳнигина буюк деб билиш банданинг ишини енгиллаштиради, унга дунёвий машаққатларини осон қилади, қалбига халоват, фикрига тиниқлик беради, тилига ҳикмат, амалларига салоҳият бағишлайди. Чунки банда ибодат қилаётган Зотдан улуғи йўқ. Бор махлуқот Унга бўйсунди, ҳамма ишлар Унинг измида.

Такбир айтиб, банда улуғ Зотга ибодатга шайланади, улуғ бир ишга киришади, такбир айтиб эгилади, такбир айтиб саждалар қилади. Ҳар бир хушхабарни такбир айтиб қаршилайди. Такбир айтиб уйғонади, байрам қилади, қурбонлик сўяди, инсонларни оғоҳлантиради, эзгуликка чорлайди...

*Тасбеҳ, таҳмид, такбирлар* ҳавода қолиб кетадиган сўзлар эмас. Уларнинг тарозиди биз билмаган тоши бор. Ҳа, банданинг энг оғир, энг қийин, ҳеч бир имконсиз ҳолатида асқотадиган сўзлар улар. Имом Қуртубий «*Ат-Тазкира*» китобида ёзишича, қиёмат куни баъзи инсонларнинг бошига шундай машаққатлар тушадики, ўшанда у банда биттагина тасбеҳнинг, бир оғиз «*алҳамдулиллаҳ*» ёки «*Аллоҳу акбар*» деган сўзнинг савобига муҳтож бўлиб қолади. Албатта, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша яхши-ёмон амаллари бор. Қиёмат кунида ўша амаллар тарозиди тортилаётиб, кимнингдир ёмонликлари яхшиликларидан озгина оғир келиб, жаннат сари бир қадам етмай қолиши мумкин, шундай вақтда дунёда Аллоҳни поклаб ёдлаганлари, ҳамду санони фақат Унгагина айтганлари, Уни улуғлаб зикр қилганлари асқотади.

Шундай экан, тарозининг савоб палласини оғир қилувчи ушбу «*Субҳаналлоҳ*», «*Алҳамдулиллаҳ*» ва «*Аллоҳу акбар*» калималарини кўпроқ зикр қилайлик, тилимизни, вақтимизни бу ишдан қизғанмайлик. Аллоҳнинг зикри ила нам бўлган тил қиёматда саодатга еткурғай.


*Субҳаналлоҳ, алҳамдулиллаҳ, Аллоҳу акбар!*

*«Дуолар, тасбеҳлар, саловотлар» китобидан*

# Бир саволим бор

Хурматли «Ҳидоят» журнали таҳририяти! Менинг бир нечта саволим бор эди, шуларга жавоб йўлласангиз.

Эҳтиром ила,  
Шукурхон ҳожи **ТОШХУЖАЕВ**,  
Чуст аяхри.



**1-савол.** Чилтонлар кимлар?

**Жавоб.** Чилтонлар ҳақида асосан тасаввуфга оид манбаларда қайд этилган. Уларда ёзилишича, чилтонлар халқнинг оғир

машаққатларини кўтариш билан шуғулланадилар («Истилоҳотус-суфийа»). Уларнинг сони қирқта.

Чилтонлар араб тилида «нужабо» деб аталади. Бу сўз арабчада «пок», «тоза» каби маъноларни беради.

**2-савол:** Хушув ва хузув нима? Намоз қандай ҳолда хушув ва хузув билан ўқилган бўлади?

**Жавоб.** Хушув ва хузув сўзлари бир маънода — бўйсунмоқ маъносидадир. Аҳли ҳақиқат истилоҳида улар «Ҳаққа бўйсунмоқ» маъносини англатади. Намоз ўқишда бутун фикрни

намоз арконларини тўла адо этишга қаратиб, ундан ўзга фикрда бўлмайдиган намоз ўқиш хушув билан намоз ўқишдир. Бу ҳолда назар қиёмда сажда жойига, рукуъда оёқлар устига, саждада бурунлар юмшоғига, қаъдада кўкракка қаратилиши лозим ва намозда макруҳ саналган амалларни қилмаслик керак («Насафий»).

**3-савол:** Аёл эрининг муҳаббатини тиклаш учун «иссиқ-совуқ» қилиши мумкинми?

**Жавоб.** Муҳаббат қозониш ё ўртага совуқлик солиш учун «иссиқ-совуқ» қилиш ҳаромдир. («Фатовои Ҳаммодийа») «Нафъул-муфти» китоби-

да эрнинг муҳаббатига «иссиқ-совуқ» қилиш билан эмас, Аллоҳ таолодан кўрқиш билан эришилади, дейилади.

Дарҳақиқат, эр-хотин ўзаро бир-бирлари олдиларидаги бурчларини тўла адо этсалар, ўрталаридаги муҳаббатга ҳеч бир ҳолда халал етмайди.

**4-савол.** Сажда оятларининг ўзбекча таржималарини ўқиган ё эшитган мўмин сажда қилиши керакми?

**Жавоб.** Ҳа, сажда оятларининг таржималарини ҳам ўқиган ё эшитганларга сажда қилиш вожиб бўлади («Фатовои Оламгирийа»)

**5-савол.** Эҳсон билан садақанинг фарқи нимада?

**Жавоб.** Садақа инъомдир. Эвазига Аллоҳ таоло савоб беради. Бажарилиши лозим бўлган яхши амалларни қилиш эҳсон дейилади («Таърифот». Саййид Шариф).

Жавобларни  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
тайёрлади.

Убайдулла СОДИҚ



Машина тепалагани сайин талаба ўзини гўзаллигу сир-саноатлар ичига тобора сингишиб бораётгандай сезар, кўнгли ҳам атрофини қуршаётган баланд-паст дара, тоғлардай улуғворлашар эди. Қуёш виқорли, ҳайбатли тепа-тоғликлар орасида чарақлаб кўзни олади. Текис йўл айлана-айлана, йўловчилар дам чапга, дам ўнгга оғишади, гоҳо салобатли соя-салқинда бораётганларида бир оз жунжикардилар ҳам. Баъзан сариқ кийимли йўлсозлар кўзга ташланиб қолади.

— Ўнглаб-тузатиб турил-маса, тоғдан сизгиган қор-ёмғир суви йўлни емириб, нуратиб ташлайди.

Ҳайдовчининг бу гапига ҳеч кимдан садо чиқмайди. «Ҳамма ухлаб қолганми?» Талаба ортга назар солмоқчи эди, бирдан машина қалқиб-силтаниб, ҳаммалари ҳушёр тортди. Олдинда тутун бурқситиб бораётган «Камаз» уларни секинлашга мажбур қилган эди.

— Эҳ, олдинга ўтиб олмадик-да?! Ҳам вақтни олади, ҳам гилдираги тош отиб, ойнани синдириши мумкин.

Бирдан машинанинг таги тарақлаб, йўлдан четроққа чиқиб тўхтади.

— Яна бошоғриқ, чиқим. Илож топиб, қутулмасам, бунинг ичи тўкилиб бўлган.

Хуноби ошган ҳайдовчи, тоққа кўтарилганларидан бери «Мўзжижа рўй бериб, тўхтаб қолсак, тоғ, борлиқни маза қилиб хотиржам кўриб олардим?!» дея орзулаб келаётган талаба ҳамда малака оширишга бораётган индамас зиёли дарҳол машинадан чиқдилар. Талабанинг ҳаяжони ичига сиғмайди. Салобатли тоғ, елкама-елка мингашиб кетгандай баланд-паст юксалган, қори ялтираган чўққилар, қияликлардаги

га ақли етиб, завқи тошади. Неча бора кўриб тўймаган, роҳат-лаззатлар олган бўлса ҳам, яна янгитдан ҳаловатланиб, ичига сиғмай теваратрофга жовдирар эди. Шаҳардаги иссиқ-димиклик қайдаю бу ердаги салқинлик қайда? Талаба кўлнинг нариги томонига — мисранг қояларга диққат билан тикиларкан, тоғ ёнбағридаги чизикдай сўқмоқдан гимирлаб бораётган эчкиларни кўзи илғади ва сигарет бурқситиб, хаёл суриб турган зиёлининг елкасига кўл қўйди:

— Ака-ака, қаранг, эчкилар юрибди! — деди жўшиб.



дов-дарахтлар, думалаб-думалаб тушиб келаётгандай катта-кичик харсангтошлар, даралар, юзларни сийпалай бошлаган муздек тоғ шабадаси...

Ичи тошиққан талаба ширин ва тоза тоғ ҳавосидан бағрини тўлдириб сипқораркан, пайт пойлаб йўлнинг нариги юзига ошиқди. Пастлик, кенглик, кўл... уни лол қилди. Жимир-жимир мавжланаётган кўм-кўк сув юзасида қуёш ялтिलाб кўзни олади: «Ажиб, кўл устида сузаётган ғозми?!» Манзарага диққат билан термулиб турар экан, чайқалган мавжланган сув ғознинг ёйилган қанотидай кўринаётгани-

зиёлининг энсаси қотиб, нарироқ сурилди.

— Ўзингиз қарайверинг...

Машина тузалди шекилли, ҳайдовчи уларни чақириб қолди.

— Қани, ҳў акалар, кетдик. Ҳали ортга қайтишим ҳам бор. Тез-тез келинглар.

«Мени деб ҳамроҳларим кутиб малолланмасликлари керак».

Талаба яқин келиб қолганида, «оптом»дан тоза ароқ олиб келиш учун бораётган буфетчининг олдин бир оёғи, сўнг иккинчиси ерга тегиб, кейин бесўнақай гавдаси машинадан чиқди, ҳансираб

нарироққа борди, тескари бурилиб гўдайганча турди-да, мақсади ҳосил бўлди, шекилли, ортга қайтди, лабини ялаб-ялаб ўрнига жойлашди, кўзини юмди.

— Томоша қилиб кетмай-сизми?

Буфетчи кўзини ҳам очмади, эснаб керишди.

— Тошнинг нимаси томоша? — дея қарс этказиб олма тишлади, бироқ эриндими, ухлаб қолдими, нимагадир кавшанмади. Талабанинг унга гапиргиси келиб:

— Яхши ухларкансиз, ака, — деди.

— Менга кечасиям, кундузиям барибир, ухлайвераман.

У қимирлаб-қимирлаб яхшироқ ўрнашиб олди, лабларини чапиллатиб ялаб қўйди-да:

— Сув борми, чанқаб кетдим, — деди.

Ҳайдовчи ўнг қўли рулда, чап қўли билан унга сув узатди. У сувни ютоқиб идиш яримлагунча ичиб, «воҳ» деб қўйди. Талабанинг яна унга гапиргиси келди:

— Менга қаранг, кундузи ҳаммаёқ ёп-ёруғ туради-да, кечаси ўрнини қоронғуликка бўшатиб беради. Кечаси келса, кундузи кетади, кун-

дузи келса, кечаси кетади. Улар бир-бирларига ўрин бўшатганда қаерга боришаркин, қаерда туришаркин?!

Лабларини ялаб, яна калласини ичига тортиб кўз юмган буфетчи:

— Мен қаердан биламан? — деб хўрсиниб қўйди. Талаба ўйларига кўмилди.

«Ажаб, уйдан бекатга, йўлга, қишлоққа, шаҳарга, биридан иккинчисига, сўнг бошқасига, бир-бирига уланиб, туташиб қишлоғу шаҳарлар, шаҳару қишлоқлар ортда қолиб, пастдан юқорилашиб тоққа кўтарилдилар, йўллар буралиб-қайрилиб... ер, осмон, тоғ, тош, вақт, ҳаво, ранглар... бутун олам яхлит — тавҳид экан-да!


Талабанинг кўнглидаги ўйи тилига кўчди:

— Олам яхлит, ягона экан-да!

Унинг сўзи жавобсиз қолди, завқи шериксиз эди. Оламнинг ажойиблиги, кенглиги, ранг-баранглиги, сирлилиги унинг завқи эди. Ҳамроҳлари: ҳайдовчида йўловчиларни манзилга элтиб, тезроқ пулини олишу қайтиш илож топиб янги машинага эга бўлиш; семиз қорни кўйлак тугмаларини чиқариб юборган буфетчида тоза ароқ би-

лан мижозларининг кўнглини овлаб пулини олишу ебичиш, ухлаш; малака оширишга бораётган зиёлида сир бой бермай сигарет туташиш гашти; «Бу ашулангиз эзворди-ку, шўхроғи йўқми, Юлдуздан қўйинг, ўйнатадиганидан қўйинг, ака»лаб ухлаб қолган савдогар опаларда ўйнаб-кулиб пул топиш завқи... Барчалари нозирлару манзилларни ортда қолдириб, бир йўлдан битта машинада олдинга физиллашади. Бир-бирларига боғлиқ бўлмаганлари ҳолда бирга кетишяпти. Машина гўё юрувчи бешигу ҳаммалари шунга белаб-боғлаб қўйилгандай. Турли мақсадларда юрувчиларни бешикда бирлаштириб-йўналтириб қўйган Зот қудрат-иродасидан талабанинг завқи тошди, қалбининг замзамидан жизиллаб булоқ сизгандай бўлди-да, дарҳол ён томондаги ойнага пешонасини тираб олди, мижжа қоқмай, тоғнинг ҳар хил сурат-нақшли деворсимон туташ шакллари кўринмай қолишидан, кўздан қочишидан, пайт ғаниматлигию, ўтар-кетарлигидан ўкингандай бор қувватини кўзига йиғиб... бақрайиб олди.

## ДУО



## XIII

Аллоҳим! Сендан ушбу исм ва сифатларинг билан илтижо қилиб тилайман ва ёлвораман:

1. Эй юксак улуғлик эгаси Жалил!
2. Эй ҳақиқий гўзаллик эгаси Жамил!
3. Эй солиҳ қулларининг ишини энг яхши йўлга қўйгувчи Вакийл!
4. Эй қулларининг тоқати етмас ишларни зиммасига олган Кафийл!
5. Эй қулларининг хато ва янглишларини кечгувчи Мукийл!

6. Эй қулларига йўл очгувчи Далийл!

7. Эй ҳар нарсадан хабардор Хабийр!

8. Эй лутфи ва карами мўл Латийф!

9. Эй сўнгсиз иззат эгаси Азийз!

10. Эй бутун мавжудотнинг ҳақиқий эгаси ва ҳукмдори бўлган Малик!

Сен барча қусур ва нуқсон сифатлардан поксан. Сендан бошқа илоҳ йўқки, бизга мадад берса. Омонлик бер бизга, омонлик тилаймиз. Бизни жаҳаннамдан асра!



\* \* \*

Дарё соҳилида ўтирган бир одам кўлидаги галвирни сувга ботирар экан-да:

— Худо берса, шундай беради, — деркан.

Сўнг галвирни сувдан кўтариб айтарканким:

— Худо олса, шундай олади.

Бирданига бойиб, ўзини билмай қолаётган, сўнг тижоратдами ёки бошқа ишдами «синиб» хонавайрон бўлиб, уйини, бор-бисотини сотиб маҳзун юрганлар бу ривоятни балки эшитмагандирлар?

### Иккинчи ривоят

Басрадан савдогар Чин мамлакати томон сафарга тайёргарлик кўраётганида, бир мўйсафид унинг кемасига яқинлашиб, илтимос қилди:

— Эй хожа, мен хузуринга бир хизмат билан келдим, Мана бу қопдаги қалайини денгиз ўртасига етганинда сувга ташлаб юборсанг, шояд назрим қабул этилса.

Савдогар мўйсафиднинг кимлигини суриштириб билгач, молини олиб қолди. Аммо кемаси денгиз ўртасига етганида тўфон кўтарилиб, мўйсафиднинг илтимосини унутди. Чинга етиб савдо қилаётган дам ёнига бир йигит келди:

— Басрада сифатли қалайи

Тоҳир МАЛИК

## ШУДРИНГ ТОМЧИЛАРИ

(Давоми, бошланғичи ўтган сонларда)

бўларди, олиб келмадингизми? — деб сўради.

Шунда савдогар мўйсафидни, унинг омонатини эслаб: «Энди бунни сотиб пулига мол олиб эгасига топширганим маъқул кўринади», деган қарорда қалайи тўла қопни йигитга сотди.

Басрага қайтгач, мўйсафид яшаган маҳаллага борди. Билсаки, у вафот этибди. Унга яна бир нарса маълум бўлди: мўйсафиднинг жияни бор экан, укасидан ёдгорлик бўлиб қолган бу жиянини сира чиқиштирмас экан. «Сен менинг ўлимимни кутиб юрибсан», деб ранжийвергани сабабли йигит шаҳардан бош олиб кетган экан.

Савдогар бирор ворис чиқиб қолар деган илинжда Чиндан келтирган молни етти юз динорга сотиб, пулини асраб қўйди. Орадан кўп ўтмай, Чин мамлакатидан ундан қалайи сотиб олган йигит келди.

— Мен қалайини уйга олиб бориб синдириб кўрсам, орасидан олтин чиқди. Мен сиздан олтин эмас, қалайи сотиб олган эдим, бу олтинлар менга ҳаром. Токи олтинларни ўзингизга топширай деб ортингиздан изма-из етиб келдим, — деди.

Шунда савдогар у қалайилар меники ҳам эмас, деб бўлган воқеани гапириб берди. Йигит кулиб дедики:

— Бу мўйсафид менинг ягона амаким эдилар. Бойликни сувга гарқ қилишдан мақсадлари мени меросдан маҳрум қилиш эди. Аммо Аллоҳ менга насиб қилган экан, турли воқеа ва василалар билан менга етказди.

Йигитнинг чиндан ҳам мўй-

сафидга жиян экани тасдиқлангач, савдогар унга етти юз динорни ҳам бериб:

— Сен ҳаромдан парҳез қилдинг. Аллоҳ сенга ҳалол бойликни ато қилди, — деган экан.

Ҳар бир кишининг ризқи ўзига насиб этмоғи хусусида яна икки, балки икки юз, балки икки минг ривоят бордир, валлоҳи аълам. Фикр юритиб туриш учун ҳозирча шу иккиси ҳам кифоядир.

\* \* \*

Луқмони Ҳаким йўлда бораётсалар, бир уйдан нола эшитилибди. Кирсалар оғриқларга чидай олмаётган хаста одам «дод» дер эмиш. Табиблар кўриб: «Муолажадан наф йўқ, бир-икки кун ичида узилди», дейишибди. Луқмони Ҳаким беморнинг билак томирини ушлаб кўриб, дебдиларким:

— Дардинга даво йўқ. Илон захри сенга шифо берса шояд...

— Илон захрини мен қайдан топаман? Бир бедаво бўлсам... Мени шу аҳволда ташлаб кетаверасизми? Аллоҳ менинг зоримни эшитиб, Луқмони Ҳакимга рўбарў қилганида эди, у муҳтарам зот мени ташламас эдилар, — дебди хаста.

Луқмони Ҳаким бу нолани эшитгач, «Зинҳор ташламасман», дебдилару илонзорга бориб ёшроқ бир илонни бўғзидан бўғиб тутибдилар. Шунда илон иттифоқо тилга кириб, дебдики:

— Эй инсон фарзанди, сен нечун мени бўғаетирсан?

— Сени тутиб бормасам, бир одам ҳаётдан кўз юмали, — деб жавоб қилибдилар Луқмони Ҳаким.

— Ажаб! Бир одамни сақлаб

қолмоқ учун мени ўлдирасанми? — дебди илон. — Ахир, у Аллоҳнинг махлуқи бўлса, мен-чи? Мени ҳам Аллоҳ яратмаганми? Бир жон учун иккинчисини маҳв этиш адолатданми? Эй инсон боласи, сен айт: мен бировни чақсам, менинг захримни даф эта олармисан?

— Ҳа, — дебдилар Луқмони Ҳаким, — даф эта оламан.

— Унда менинг захрим кучли эмас экан, — дебди илон. — Дунёда шундай кучли заҳар борки, сен уни зинҳор даф эта олмассан.

— Қандай заҳар? Қора қурт-никими? — деб сўрабдилар Луқмони Ҳаким.

— Э, йўқ, — дебди илон, — дунёда энг кучли заҳар одамнинг заҳри. Бунга даво йўқтур. Одам одамни чақса, ўладиган қилиб чақади. Аллоҳ биз илонларни кўримсиз, тубан қилиб яратди. Аммо биз бир-биримизни чақмаймиз. Сиз Одам болаларини юқори қилиб яратди. Лекин бир-бирингизни чақиб ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган хастага менинг захрим даво эмас, янглишма. Уни ўзининг ишонган дўсти чаққан. Унинг заҳрига даво топа олмассан. Бунга ҳатто Луқмони Ҳаким ҳам даво топмагай. Қўй, ўлаверсин, азобларидан қутула қолсин.

Шунда Ҳазрати Луқмони Ҳаким чорасиз қолган эканлар...

\* \* \*

Соғлик ва хасталик қарама-қарши кутбли ғалати ҳолатлардир. Ҳиндлар уни бир хил талқин этади, хитойлар бошқача, тибетликлар яна ўзгача...

Хасталикнинг ҳам ҳикмат юзасидан инсон ҳаётида муайян ўрни, вазифаси бор. Энг аввало, ожизлигини хотирлатади. Қолаверса, шифо умидида бир чора ахтаргизади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Менимча, хасталикка шифо истасак, касалликка қадар бўлган ҳаётимизни бир-бир

эслашимиз, Аллоҳга бўлган муносабатимизни, меҳримизни, ишқимизни, тақвоимизни ғалвирдан ўтказиб кўрмоғимиз лозим. Чунки одамнинг жисми касаликка чалингунича аксаран ҳолларда руҳи шикастланган бўлади. Руҳ даво топмай туриб, хасталик тўла даво топмайди, озгинагина чекинади, холос.

\* \* \*

Якан деган ўсимлик бўлади. (Нима учундир санъаткорлар, аникроғи, отарчилар пулни «якан» дейишади.) Қамишзорларда ўсади. Яканни ўриб олиб, қуритиб, узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш узун, якан эса, аксинча, пастак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

— Ў биродар, ҳадеб гўдая-верма, салгина эгил. Аллоҳнинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, — дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийриб қўя қолибди. Вақт-соати келиб, аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тавофуқни қарангки, шу уй тўсинларига узумларини осибдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса, девордаги қозикларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш пастда, оёқостида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавериб хорланган қамиш охири яканга қараб зорланибди:

— Мени ўриб олиб қуритдилар, тепкилаб, қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга бўқтирдилар. Сўнг, қайириб, букиб, мана шу бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, остимга носларини тупурдилар.

Бу зорланишни эшитиб якан дебдиким:

— Сиз бекорга гўдайдигиз. Гўдайиб ўсавердингиз.

Ичингиз говак эканини унутдингиз. Говак бўлганингиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсасага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдингиз қолган. Ёш қамишларга етказинг, сизнинг ҳолингизга тушмайин дейишса, гўдайишни бас қилишсин.

Қамишлар баъзан томга ҳам тўшалади. Лекин барибир унинг башарасига лой чапланиб, у ерда ҳам тепкиланади...

\* \* \*

Маҳаллага ўт кетиб, деярли барча уйлар ёнибди. Бу хабарни эшитган бир одам хавотирланиб, югуриб келаётган экан, қўшниси пешвоз чиқиб:

— Ташвишланманг, бутун маҳалла ёнди, аммо сизнинг уйингизга ҳам, дўконингизга ҳам ўт етмади, — деб суюнчилабди.

Ҳалиги одам беихтиёр:

— Ё Аллоҳ, менинг мулкимни омон сақлабсан, ўзингга шукр, — деб қувонибди.

Аммо уч-тўрт қадам юргач, қандай гуноҳга боғганини англаб, йиғлаб юборибди. Зудлик билан истигфор айта бошлабди.

Аллоҳ унинг мол-мулкани асрагани учун ҳамд айтган эди. Энди нечун тавба қиляпти?

Гап шундаки, унинг шукронаси замирида худбинлик мавжуд эди. Маҳалланинг куйиб кул бўлгани уни ташвишга солмади, биродарларига ачинмади, ўзининг уйи омон қолгани учунгина хурсанд! Аллоҳ уни синаш учун мулкани омон сақлади. Эртами-индин янада азоблироқ синов юбориши, балки бутун маҳаллани омон сақлаб, унинг мулкани кулга айлангириши мумкин-ку. Шу ҳақиқатни англагач, ҳалиги киши бор мулкани жабрдийдаларга улашиб, сўнгги нафаси қадар тавба қилган экан.

(Давоми келгуси сонда)

## АЛЛОҲ ҲИДОЯТГА БОШЛАСИН

Пештахта олдида туриб, китоб-журналларни титкилаётган одамни кўрганмисиз? Диққат билан қаранг-а! Бир қарашда у бетартиб ҳаракатлар қилаётгандек туюлади, аслида, ҳар бир ҳаракати аниқ мақсадга йўналтирилган ва пухта ўйланган бўлади. У китобга умумий баҳо бермоқчи. Синчков харидор ҳали китобни кўлига олмай туриб, номиданоқ мазмунини тасаввур қилади. Дарров муаллифга қарайди: ким у, қаерда ишлайди, илгари қанақа китоблар ёзган? Китобни кўлига оладию ёрлиқ варағини очади: наشريёт, чоп этилган йил, тақризчилар, китобнинг қисқача мазмуни, муаллифнинг тўлиқ исми – булардан китобхон ўзини қизиқтирган кўп маълумотлар олади. Энди навбат мундарижага: аввал бобларнинг номини ўқийди, сўнг фаслларга қарайди.

Одатда китоб ўқийдиган одамнинг соҳасига тегишли саволлари бўлади. Мундарижани очган заҳоти саволларига жавоб берадиган сарлавҳаларни излайди. Биринчи навбатда ўша саҳифани очади, бир-икки жойига кўз югуртиради. Шундан кейин, китобни сотиб олиш ё олмаслик масаласи кўндаланг бўла бошлайди. Узил-кесил бир қарорга келишдан олдин ҳар эҳтимолга қарши китобни яна бир марта шириллайтиб варақлайди. Тез-тез ўтаётган саҳифалардан қадрдон бирнималар кўзига илинади. Нигоҳини тўхтатиб, икки-уч сатр ўқиб кўради. Китоб ёқаётган бўлса, энди унинг қоғозига, сифатига, муқоваси ва безакларига эътибор беради.

Хуллас, китобхон жуда инжиқ, диди ҳам ўта нозиклашган ҳозирги пайтда бир нашрни авра-астаригача ўрганиб бўлгачина, чўнтагидан пул чиқаради. Энг ҳаяжонли паллалар бўлади бу пайт!

*Тўхтанг, биродар! Қандай китоб ё журнал танладингиз? «Ҳидоят»га ҳам кўзингиз тушдимиз? Уни ҳам бир варақлаб кўрдингизми? Балки юрагингиздаги энг яширин, нодир саволларга ундан жавоб топарсиз. Балки интилиб, излаб юргангиз аслида шудир. «Ҳидоят»ни ўқинг, Аллоҳ сизни ҳидоятга бошласин.*

Мўминлар фолбин, раммол ва қуръа ташловчилардан ўзларини тортиб, уларнинг гўё гайбдан берган хабарларига ишониш ва тасдиқлаш куфр эканлигидан огоҳ бўлишлари керак.

Ҳар бир инсофли, ақл ва идрокли кимсага Эшонини Сўфи Оллоҳёрнинг (алайҳи роҳма) «Саботул ожизин» китобидаги ақида асоларидан бўлган қуйидаги сўзлари кифоя қилиши керак:

*«Яқин бил, гайб ишидан фолбинлар  
Хабар берса агар ё аҳли жинлар,  
Киши чин билса ул ботил сўзини,  
Бўлиб кофир, қаро қилғай юзини».*

Аллоҳ таоло «Фол-чўплардан қисматингизни сўрашингиз ҳам сизларга ҳаром қилинди. Зотан, бу ишларингиз итотсизликдир» (Моида, 3, мазмуни), деб марҳамат қилади.

## КУФРГА ЕТАКЛОВЧИ ГУНОҲЛАР

Ҳадисда шундай марҳамат қилинади: «Ким коҳинлик қилса, ё тош, чўплар билан қисматини билмоқчи бўлса, ё сафаридан қайтарувчи қуш учирса, жаннатнинг олий даражаларини кўролмайдир» («Рухул баён» тафсири, 53-бет).

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Коҳинликдан сақланинг! Зеро, коҳинлик ширкка чақиради. Ширк ва унинг аҳли дўзахдадир» («Тафсирути Аҳмадийа»).

Ҳайбни билишни даъво қилувчилар бир неча турдир: «коҳин», «аъроф» ва «мунажжим». Жини борлигини даъво этиб, унга истиқбол ишларидан хабар бериб туришни эътироф этувчилар «коҳин», ўғирланган ва йўқолган нарсаларни билиш даъвогарлари «аъроф»; юлдузлар ҳолатига қараб истиқболни айтувчилар «мунажжим»дир. Буларнинг барчаси шаръан мазмумдир. Зеро, гайбни Аллоҳдан ўзга билмас.

*Турсун Муҳаммад Аълам ТУРКИСТОНИЙнинг  
«Фолбин, рамол, қаҳҳон ёмонлигинин  
мудроққа огоҳ» рисоласидан.*

Азиз зийрак ўқувчимиз! Сезган бўлсангиз, «Ҳидоят»нинг ўтган 10-сонда баъзи техник сабабларга кўра бир неча имло ва жумла хатолари ўтиб кетибди. Таҳририят ходимлари ҳузурингизда узрларини изҳор этиб, бундан кейин иложи борича хатога йўл қўймасликка ҳаракат қиладилар. Қусуригимизга кечиримли бўлиб, ҳаққимизга хайрли дуо қиласизлар деган умиддамиз.

Обуна  
2002

*Муҳтарам муштарийлар! «Ҳидоят» журнали ва «Ислом нури» газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Севимли нашларингизга уйингизга яқин масжидларда ва барча алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.*